Адолат кучли, куч эса адолатли бўлмоғи лозим

Адолат

1996 йил, 20 апрель, № 15 (54).
◆ ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
◆ СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА.
◆ Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон «Адолат» социал — демократик партиясининг газетаси

Эртага Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Франция Республикасига ташриф буюради.

ФРАНЦИЯ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ КИТОБИ БИЛАН ТАНИШМОҚДА

Париждаги Халқаро дипломатия академиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли китобини тақдим этиш маросими бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Президенти китобини Франция оммавий ахборот воситалари вакилларига таништириш ва тақдим этиш маросими мамлакатимизнинг Франциядаги элчихонаси билан Халқаро дипломатия академияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Париждаги энг йирик оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Маросимда ушбу китоб Ўзбекистон Президентининг Францияга расмий ташрифи арафасида нашрдан чиққани алоҳида аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Маросимда Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Акмал Саидов сўзга чиқди.

(ЎзА).

ПАРИЖДА АМИР ТЕМУР ТЎЙИ

Республика Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири Аброр Ғуломов Ўзбекистоннинг Франциядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси, Ўзбекистоннинг ЮНЕСКОдаги доимий вакили Акмал Саидов билан суҳбатлашиб, Ўзбекистон Президентининг Францияга ташрифи доирасида ўтадиган ҳафталик тўғрисида сўзлаб беришини илтимос қилди.

— Инсоният тарихида кўплаб машҳур шахслар ўтган. Бу кишиларнинг одатдан ташқари ҳаёти, турмуш тарзи, фаолиятлари ҳозиргача ҳам олимлар ва тадқиқотчиларнинг эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда. Шундай шахслар орасида Амир Темур алоҳида урин тутади — деди А. Саидов. — Амир Темур жаҳон тарихида улкан салтанатнинг асосчиси деб тан олинади. Искандар Зулқарнайн, Ганнибал, Атилла, Наполеон сингари машҳур саркардалар қаторида улуг бобомизнинг ҳам муносиб ўрни бор. Амир Темур олимлар, файласуфлар, меъморлар, шоир ва мусиқачиларнинг раҳнамоси бўлган. Ғарбда бу давр темурийлар ренессанси деб аталади. Бу вақтда Ўрта Осиёда фан, маданият, санъат анча ривожланди ҳамда олимлар, файласуфлар ва санъаткорларнинг катта бир авлодини вужудга келишига сабаб бўлди.

Амир Темур ва умуман Темурийлар даврини тадқиқ қилувчи манбалар ниҳоятда кўп. Илмий, тарихий, бадиий асарлар билан бир қаторда афсоналар ҳам қолган. Ана шу манбаларни ўрганиш натижасида жаҳон шарқшунослиги фанида темуршунослик деб аталувчи илмий йўналиш бунёдга келди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маориф, фан ва маданият ишлари бўйича бош идораси (ЮНЕСКО) Ўзбекистон маданияти, фани тарихини ўрганиш юзасидан жиддий амалий ишларни амалга оширмоқда. Халқаро миқёсда Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Улуғбек, Амир Темур сингари даҳоларнинг юбилей саналарини нишонлашга бош-қош бўлиши ҳам бунинг яққол далилидир.

Француз тадқиқотчилари ҳам кўп асрлардан бери бизнинг тарихимиз, маданиятимиз, авлодларимиз меросини ўрганиш юзасидан изланишлар олиб бориш-ган ва бугунги кунда ҳам бу ишларни тўхтатишмаган. Айниқса, Амир Темур билан боғлиқ илмий изланишларда француз тадқиқотчиларига тенг келадигани кам топилади. Шу мақсадда Парижда фаолият курсатаётган «Темурийлар» жамиятининг хайрли ишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

«Адолат» нашриётида «Амир Темур ва Франция» китоби босмадан чиқди.

ЮНЕСКО Бош конференциясининг 28-сессияси Амир Темурнинг 660 йиллигини нишонлаш юзасидан қарор чиқарган эди. Шунга биноан 22-27 апрель кунлари Парижда «Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг равнақи» мавзуида ҳафталик бўлиб ўтади. Бу ҳафталик доирасида ўзбек, француз, инглиз олимлари иштирокида илмий анжуман иш олиб боради. Унда 15 га яқин маърузалар ўқилиши, илмий мунозаралар олиб борилиши кўзда тутилмоқда. Жаҳонга машҳур «ОДИОН» театрида ўзбек ва француз санъаткорлари иштирокида ўзбек мусиқаси ва шеърияти кечаси (Режиссёр Б. Йўлдошев) бўлиб ўтади. Бу кечада ўзбек санъат ихлосмандларига яхши таниш бўлган Франсуа Шатто иштирок этади. Бу француз актёри бундан уч йил олдин А. Ҳидоятов номли театрда Алишер Навоий асари асосида саҳналаштирилган «Искандар» спектаклида бош ролни ўйнаган эди.

Шунингдек, ҳафталик давомида Темурийлар давридан сақланиб қолган тарихий буюмлар, амалий санъат, фото ва тасвирий санъат намуналаридан иборат кўргазма ҳам фаолият кўрсатади. Бир сўз билан айтганда, Амир Темур юбилейининг ЮНЕСКО доирасида халқаро миқёсда нишонланиши Темурийлар ренессенсининг жаҳон цивилизациясида тутган ўрнига берилган юксак баҳодир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессияси 1996 йил 25 апрель куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 5 апрель.

• Президент Фармони — амалда!

КАЛИФОРНИЯ ТЕРАКЛАРИ—ЎЗБЕКИСТОНДА

Иштихон туманидаги Мурод Жўраев номли деҳқон-фермерлар уюшмасида «Қаҳрамон она» — Фахриддин Зайни деҳқон хўжалиги бошлиғи Ҳидоятхон опа Нарзуллаевани яхши билишади. Бунинг боиси бор, албатта. Опа 30 йилдан зиёд шу хўжаликда ҳисобчи, касаба уюшмаси раиси, катта иқтисодчи бўлиб ишлаган. Айни пайтда нафақада бўлса-да, табиатан меҳнатсеварлиги боис доимо кишилар орасида меҳнат, яратувчилик билан банд.

Ҳидоятхон опа бошлиқ бригада аъзолари Оқдарё соҳилидаги 3 гектар ташландиқ ерни ўзлаштириб, бу ерга 25 минг тупдан зиёд Калифорния терак қаламчалари ўтқазишди. Олти йилдан буён парваришланаётган тераклар бугун қурилишга ярайдиган бўлиб қолди.

—Жумҳуриятимизда қурилиш материалларига, хусусан ёғочга эҳтиёж катта, — дейди Ҳидоятхон опа.— Уюшмамиз бўйича 41 гектар ерда Колифорния тераклари парваришланмоқда. Чунки аҳоли учун ҳам, хўжалик қурилишлари учун ҳам биринчи навбатда ёғоч-тахта керак.

Ҳидоятхон опанинг сўзларида жон бор. Опа бошлиқ жамоа бу соҳада ибратли иш олиб бораётир.

СУРАТДА: Ҳидоятхон опа Нарзуллаева 3 гектар ерда Калифорния терагини парваришлаётган шогирди, Шерали Эшмўлатов билан.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

• Ҳамжиҳатлик қўрғонида нима гап?

Гузарлар — маҳалла кўрки

Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли маҳаллада бўлиб утган Навруз байрами тантаналари янги гузарнинг очилишига бағишланган шодиёналарга уланиб кетди. Маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси Қобилжон Зокиров Тошкентдаги бу фаол маҳаллада тез фурсатлар ичида янги гузар барпо этилгани ҳақида гапириб, унинг беқиёс аҳамияти тўғрисида тўхталди. «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловида Юнусобод тумани бўйича биринчиликни қўлга киритган 272-ўрта мактабнинг бадиий ҳаваскорлари иштирокида янграган куй-қўшиқлар, маҳалла ҳаваскорлик дастаси томонидан ташкил этилган турли чиқишлар ихлосмандларни мафтун этди.

Янги гузарда газлаштирилган, водопроводлаштирилган ошхона бор. Жиҳозлари замон талабларига тўлиқ жавоб беради.

«Интилганда — толе ёр» деганлари шу бўлса керакда!

СУРАТДА: маҳаллада янги гузарнинг очилишига бағишланган тантаналардан лавҳа.

• 1996 йил—Амир Темур йили

СОҲИБҚИРОН ДЕЙДИКИ...

● Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

*

● Қилмоқчи бўлган ишларини қилмасдан қолдирмасинлар. Агар бирор ишни қилмасликка сўз берар эканлар, яқинига ҳам йўламасинлар. Хотирдан чиқмасинким, Тангри таалло жасур кишиларни ардоқлайди.

*

● Ёрга еткур сабо, ким макр қилмишдир манга,
Қилди эрса кимса макрин, қайтадур бир кун анга.

*

● Адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандаларини Узимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр — эҳсон ишларим билан одамлар кўнглидан жой олдим.

*

● Ҳар кимнинг қадр-қимматини, тутган мавқеини ва ҳар нарсанинг ўлчовини белгилаб олишинг ва шунга мувофиқ иш юритишинг керак.

• Назм

Эй, ўзбегим, сенга фидолар керак

Ўзига бек — эй, ўзбегим, сенга фидолар керак,
Дардингга малҳам бўлувчи-минг бир шифолар керак.
Бўйла ким, мози муаттар бўй сочар гулшанаро —
Қизларинга қирқ ўримсоч ва шан иболар керак.
Наво чекиб, наво тошгил — мартабанг навозишдир —
Навоий қалбини ёққан — ўтли наволар керак.
Тўп кийиб, белида белбоғ туркона сўйламоққа —
Қаддини баланд кўтарган аҳли донолар керак.
Яланг тўш кўксингни очгил — кетмонинг бир пас қўйиб,
Сени ўпсин, эркаласин — эпкин-саболар керак.
Сен — элим, пойдор бўлўрсан — бор қобил фарзандларинг —
Юртбоши — Ислом оғамдек — фарзанд-аъолар керак.
Иқболинг гул-гул очилсин, майли, мен қурбон бўлай,
Десанг, бас — Абдуллога: «Жондин жудолар керак!»

Абдулла ТУРДИЕВ.

ЖУРНАЛИСТЛАР СЕМИНАРИ

Самарқандда журналистларнинг минтақавий семинари бўлиб утди. Унда Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятлари, шаҳар ва туман газеталари муҳаррирлари иштирок этдилар. Йиғилишда Узбекистон Республикаси Президентининг 1995 йилнинг 25 декабрида Республика Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда ҳамда 1996 йилнинг 16 мартида халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашида сўзлаган маърузаларидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

Шунингдек, Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятлари шаҳар ва туман газеталари муҳаррирларининг Гулистонда бўлиб ўтган минтақавий йиғилиши ҳам шу масалага бағишланди. Унда журналистлар олдида турган бугунги энг муҳим вазифалар белгилаб олинди. Шунингдек, Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Халқимизнинг йўли мустақиллик, озодлик ва туб ислоҳотлар йўлидир» китоби юзасидан давра суҳбати ўтказилди. Суҳбатда Россия давлат Думасининг собиқ иттифоқни қайта тиклаш тўғрисидаги қарори қораланди ва ушбу ҳужжат халқимизнинг яна қуллик занжирига гирифтор этишга мўлжаланганлиги таъкидланди.

Семинар қатнашчилари матбуот таъсирчанлигини ошириш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида журналистларнинг иштирокини янада кучайтириш, ислоҳотлар жараёнида рўй бераётган воқеаларни чуқур ва тўлақонли ёритиш хусусида узаро фикрлашиб олдилар.

Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
Турдибой СОЙНАЗАРОВ,
«Адолат»нинг ўз мухбирлари.

• Акс садо

ШУКРОНАЛИК

«Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак». Ҳа, юртбошимиз оддий, аммо қалб қўридан, юракдан тўлиб-тошиб айтган ушбу ҳалқпарвар гапларини олтмиш бир йиллик ҳаётим мобайнида бирор раҳбардан эшитмагандим. Ватан меҳрини, она-юртга муҳаббатини тараннум этгувчи бундай пурмаъно гапларини ҳамма раҳбар ҳам айтавермайди. Она-юртга муҳаббат кўзи ила боқиш, Ватанга фидойи бўлиш, ҳалол меҳнат қилиш ҳар бир иймонли кишининг қалбида жўш уриб туриш керак.

Биз тарих саҳифаларини варақлар эканмиз, унинг қонли сўқмоқларига назар солмай туриб ҳозирги эркин, озод кўнларимизнинг қадрига етмаймиз. Уша мудҳиш уруш йилларида одамлар не-не кўнларни бошларидан кечиришмади. Ҳаттоки, жонларини она-Ватан учун фидо қилишди. Огир кўнларни ҳақимиз баҳамжиҳат бўлиб енгди. Лекин очигини айтганда, қийинчиликлар бироз чекинган бўлса-да, рўшнолик кўрмадик. Марказнинг топшириғига итоат қилишга мажбур бўлдик.

Оллоҳга шукурлар бўлсинки, юртимизда мустақиллик қуёши порлаб, Узбекитоннинг беҳисоб бойликларига ўзимиз эгалик қилиш шарафига муяссар бўлдик. Энди бу ёғи ўзимизга боғлиқ. Қўлни-қўлга бериб, ҳалол тер тўксак, дастурхонимиз тўкин бўлаверади. Бунинг исботлаш учун ҳозирги турмуш тарзимизга назар солишнинг ўзи кифоя.

Масалан, мустақиллигимиз шарофати ила юртимизда Навруз айёмларини кенг нишонламоқдамиз. Борган сари элимиз дастурхонидан ноз-неъмат, кут-барака аримаётир. Маҳаллаларда ҳар куни туйга туй уланаяпти, дошқозонларида ош дамланаяпти, десам янгилишмаган бўламан. Бу нимадан дарак бермоқда? Бу — юртимиз меҳнат аҳли келажаги буюк давлатни қуриш сари юз тутганлигидан нишона.

Ҳа, узбек халқи узоқ йилларидан бери орзу қилиб келган мақсадига эришди. Шунинг учун биз бу олий туйғуни қадрига етиб, унинг порлоқ эртанги кунига замин ҳозирламогимиз, шукроналик қилмогимиз, бизни яна асоратга солишга уринувчиларга муносиб зарба бермогимиз керак. Энди ҳар бир кишининг эзгу мақсади Ватанга садоқатли бўлиш, фидокорона меҳнат қилиш ва умр дафтарини шонли ишлар билан безашдан иборатдир.

Тўғғун ЖЎРАЕВ.

• «Адолат»га жавоб берадилар

«Эшак»дан йиқилганми ёки...»

(«Адолат» газетаси, 1996 йил, 24 февраль)

Илгари маълум қилинганидек, «Адолат газетасининг 1996 йил 24 февраль сонида «Адолат танқиди изидан рукни» остида «Эшак»дан йиқилганми ёки...» сарлавҳали танқидий мақола берилган эди. Унда Тошкент шаҳрининг Сиргали аэропортидаги профилакторийсини таъмирлаётган қурувчи Р. Зокировнинг шу ердаги таянч милиция пунктининг бошлиғи, милиция капитани Р. Аулов томонидан ноҳақ азият чекканлиги билан боғлиқ фикрлар билдирилган эди. Мазкур мақола юзасидан қуйидаги жавоб олинди:

— Мақола бўйича Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан текширув утказилди.

Текшириш жараёнида аниқланишича, ҳақиқатдан ҳам фуқаро Р. Зокиров 1995 йил 16 август куни Тошкент шаҳрининг Сиргали аэропортидаги таянч милиция пунктига таклиф этилиб, ушбу аэропортнинг профилакторийсида 5 августдан 6 августга ўтар кечаси Ф. Йозефга нисбатан содир этилган талончилик жинояти юзасидан суралган. Таянч милиция пунктидан чиққандан кейин Р. Зокиров ўз иш жойига бориб ишни давом эттираётган вақтида ўзининг эҳтиётсизлиги оқибатида тан жароҳати олган.

Бундан ташқари Узбекистон Транспорт прокуратураси томонидан, Тошкент авиация транспорт прокуратурасининг Сиргали аэропортидаги таянч милиция пунктининг бошлиғи Р. Ауловга нисбатан жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарори бекор қилиниб қўшимча текширув утказилган. Текширув давомида, муқаддам Тошкент авиация транспорт прокуратураси чиқарган қарорнинг асослилиги тасдиқланиб, Р. Ауловга нисбатан жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақида қайта қарор қабул қилинган.

А. РАҲМОНҚУЛОВ,
Ўзбекистон ИИВ Тергов бошқармасининг бошлиғи.

«КАЛАВАНИНГ УЧИ ҚАЕРДА?»

(«Адолат» газетаси, 1996 йил, 24 февраль)

Мазкур мақолада Янгиобод шаҳар ички ишлар бошқармасида йўл-патрул нозири вазифасида ишлаган милиция сержанти Маназим Қулматовнинг ноҳақ ишдан бўшатилганлиги ҳақидаги муаммо кўтарилган эди. Мақолага шундай жавоб олинди:

— «Адолат» газетасида босилган «Калаванинг учи қаерда?» сарлавҳали мақола Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида атрофлича муҳокама қилинди. Мақола юзасидан тегишли хулосалар чиқарилиб, М. М. Қулматовни ички ишлар идораларига қайта қабул қилиниши ҳақида қарор қабул қилинди. Бу ҳақда Қулматовга ёзма равишда жавоб хати юборилди.

У. ЖЎРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги шахсий таркиб билан ишлаш хизмат бошлиғининг ўринбосари.

• Луқма

Автобусни «чапга» бурган ким экан?

1996 йил 17 апрель куни соат кеч 20 дан 20 дақиқа ўтганда 2-автокорхонага қарашли 48-маршрут бўйича қатновчи автобусда ғалати ҳодиса рўй берди. Автобус ҳайдовчиси ва чипта йиғувчи кондуктор ҳали машина охирги бекатга етмасдан «диспетчерский»га тушиб чиқишгач, баҳор ҳавосидек айниб қолишди.

— Рейс тугади. Гувоҳнома, йўл карточкалари автобусга утмайди, — ҳайдовчи тантанавор эълон қилди. — Ким охирги бекатгача боришни хоҳласа, марҳамат, икки баробар ҳақ тулайди, агар тўламаса автобусдан тушсин.

32-23 ТНП давлат рақамли автобус нега ундай қилдийкин? Ишдан ҳориб-чарчаб қайтаётган йўловчиларнинг хуноби ошди, галаговур бошланди. Ҳайдовчидан бунинг тафсилотини сураганимизда беписанд, энсаси қотиб жавоб ҳам бергиси келмади. Аксинча, пул йиғиб, айрим хуноби ошган йўловчиларни бемаза сўзлар билан ҳақоратлай бошлади...

Хўш, бу ҳалдидан ошган «эркатой ҳайдовчи» ким бўлди экан? Шуниси бизга қоронгу!

Ҳикматуллоҳ ҚОДИРОВ,
«Адолат» мухбири.

• Газета саҳифаланаётганда...

• Бокс

Ҳамюртимиз жаҳон чемпиони

Ажойиб хушхабар: ҳамюртимиз Артур Григорян Гамбургда утказилган профессионал бокс бўйича финал жангида дунёга машҳур боксчи Антонио Риверани 12 раундда маглубиятга учратиб, жаҳон чемпиони бўлди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, профессионал бокс тарихида Узбекистон вакили ҳали бундай шарафга муяссар бўлмаган эди. Артур ушбу финал жангигача 19 марта рингга чиқди ва унинг 12 тасида рақибларини нокоутга учратиб, галаба қозонди. Ривера билан жангда у қупроқ тер тукишга тўғри келди ва бу огир ринг учрашувида голиб чиқди.

Гамбургда голиб шарафига Узбекистон байроги қутарилди ҳамда юртимиз малҳняси янграли.

СУРАТДА: Артур Григорян (ўнгда) ҳаваскор бокс бўйича жаҳон кубоги соҳиби Наримон Отаев билан мавгулот пайтида.

• Теннис

Ҳалқаро турнир бошланди

Фаргонада теннис бўйича йирик халқаро турнир бошланди. Унда АҚШ, Исроил, Франция, Германия, Бельгия каби дунёнинг 27 мамлакатидан келган профессионал теннисчилар голиблик учун кураш олиб боришади. Челленжер тоифасига кирувчи бу халқаро теннис турнирининг мукофот жамгармаси 25 минг АҚШ долларини ташкил этади.

Мусобақада бизнинг етакчи теннисчиларимиз — Олег Огородов, Дмитрий Томашевич, Вадим Куценко ва Темур Хонхўжаевларнинг юқори натижалар курсатиши кутиляпти. Шунингдек, бир қатор ёш теннисчиларимиз ҳам йирик турнир кортларида «жанг» қиладилар.



СУРАТДА: турнирга тайёгарликдан лавҳа.

• *Ислоҳот одимлари*

ҚУВВАТ ОШМОҚДА

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Қоникул туман сув хўжалик бирлашмаси Амударё кўпригига борадиган йўлни қуриб, Бозатоу билан Қоникул туманларини боғловчи масофани 200 километрга қисқатирди. Бугунги кунда жамоа хўжалик ҳисоби асосида ишламоқда. Бирлашманинг тармоғида шу билан биргаликда ўнта хусусий корхона ва иккита кичик корхона ишлаб турибди. Уларнинг орасида гишт цехи, гилам тўқиш цехи, мебель цехи ва тегирмон цехларининг фаолияти тобора кенгайиб бормоқда. Бунинг эвазига бирлашмада олинаётган даромаднинг бир қисми ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфланаяпти.

СУРАТДА: бирлашманинг гилам тўқиш цехи моҳир ишчилари Гулбаҳор Терешова, Жамила Қайназарова ва Қизларгул Қалжоновалар гилам тўқишмоқда.

А. МУРАТОВ олган сурат.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ нефть маҳсулотлари билан таъминлаш корхонаси таркибида олтита нефть базаси, 67 та АЁҚШ — (автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчаси, шулардан 58 таси аҳолига ёқилғи сотишга мўлжалланган) мавжуд бўлиб, улар ёрдамида ўтган йили вилоят халқ хўжалигига ва аҳолисига 260 минг тоннадан ортиқ нефть маҳсулотлари, жумладан, 80 минг тонна автобензин ва 97,7 минг тонна дизел ёқилғиси етказиб берилди. АЁҚШлар орқали аҳолига 22,5 минг тонна ёки 290 миллион сўмлик автобензин сотилди ва 1,7 миллион сумлик маиший хизмат кўрсатилди. Бу йилги режалар ҳам улкан.

Вилоят нефть маҳсулотлари билан таъминлаш корхонаси таркибидаги Қува нефть базаси вилоятнинг иккита туманига хизмат кўрсатади. Йилига 25 минг тонна нефть маҳсулотлари тарқата олиш қувватига эга бўлган Қува нефть базасида иш шароитларини яратиш, ёнғин хавфининг олдини олиш борасида катта ишлар амалга оширилди. Бу ерда саноат лабораторияси ва материаллар омбори қуриб ишга туширилди.

СУРАТДА: Қува нефть базаси хизматчилари Манзура Норматова ва Зоҳида Ботировалар иш устида.

Ш. ОЛИМОВ олган сурат.

• *Техника асрида*

Ҳозир қайси соҳани олиб қараманг, ҳамма жойда кўп ишлар компьютерлар ёрдамида бажарилади. Ушбу мўъжизавий машинанинг такомиллашиши натижасида у бажара олмайдиган ишлар йилдан йилга камайиб бормоқда.

КОМПЬЮТЕР БИЗНИНГ ДЎСТИМИЗ, ЛЕКИН...

Компьютерлар аста-секинлик билан хонадонларни ҳам буткул забт этиши тайин. Ҳозирнинг узида дунёда шахсий (персонал) компьютерга эга оилаларнинг сони салмоқли рақамни ташкил этади. Бу жуда яхши, албатта. Зеро, вақтингизни бекорга сарфламайсиз: ўтирган жойингизда қанча-қанча ишларингизни бемалол бажараверасиз. Танишларингиз билан гаплашасиз, истасангиз, кимгадир хат ёзасиз. Шуниси қизиққи, кейинги вақтда компьютерга катталардан кўра болалар кўпроқ қизиқмоқда. Бунга, эҳтимол, болалар табиатидаги қизиқувчанлик сабабдир. Бу ҳам яхши. Лекин компьютер бўйича таниқли мутахассис, норвегиялик Эспен Холм болалар ва компьютер муносабатлари ҳақида бошқача фикр билдирмоқда. Эспен Холм узининг 12 йил умрини компьютер ва унинг дастурлари ишига бағишлаган. Компьютерни жон дилидан севган. Эндиликда эса, у компьютерларни уй шароитида қўллашга тиш-тирноғи билан қарши чиқмоқда. Бу масала бўйича у узининг «Ақлли телбалар» номли китобида батафсил тўхталади.

Холмнинг фикрича, компьютер одамга қуруқ фактларнигина беради, холос. Унда ишловчи одам аста-секин шунга ўрганиб қолади. Фақат қуруқ рақамлар, маълумотлар билан ишлаш борабора унинг табиатига ҳам таъсир қилар экан. Холм унинг айниқса, болаларга қаттиқ ва тез таъсир қилиши ҳақида айтиб, компьютер болаларнинг муаллимига айланиб қолмаслиги керак, дея бонг уради. Бу таъкидни у компьютерда болага энг биринчи навбатда берилиши керак бўлган ва бугунги кунда тансиқ саналадиган ҳиссиётлар йўқлиги билан изоҳлайди. «Ақлли телбалар» китоби муаллифи ўз фикрини давом эттириб шундай ёзади: «Бу (компьютер) мен учун чиройли бир асбоб, холос. Лекин, у ёш боланинг дунёни англаши учун зарур нарса эмас. Компьютер болалар дунёсининг узига хос сеҳрли тасвирига бегона. Болакайларнинг хонада ўтирганча компьютер орқали кимларгадир табрик йўллаши яхши эмас. Ахир, табрикларни улар оппоқ қоғозга, юрак тафти билан (мониторга тикилиб эмас) ёзиб, почта орқали жўнатишлари керак. Шундагина уларнинг ёзганлари жонли чиқади...»

Бугун компьютер билан муомала қила олиш билимдонлик саналади. Лекин, ёш болаларни «компьютер касали»га мубтало қилиб қўйиш ҳам хавфли. Компьютер олдида соатлаб ўтирганча кўп юмушларни шу машина орқали бажариш ёки муъжаз дискетларга ёзилган турли-туман «даҳшат» ўйинлар билан машғул бўлиш боланинг табиатига қандай таъсир қилишини биласизми? Унинг кўнглида бутун дунёни, инсониятни, ҳатто, қуёш ва юлдузларни компьютер орқали бошқариш истаги жўш урса не ажаб...

Балки, Эспен Холм сал ошириб юборгандир. Ҳар ҳолда, компьютерлар бизнинг кундалик ҳаётимизга аста-секин кириб келаётган ва болаларимиз бу ақлли машинага катта қизиқиш билан қараётган бир пайтда унинг фикрларини ҳам эътиборга олиб қўйсак, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Ф. АРЗИЕВ.

• *Пиру бадавлатлар*

ЎЗБЕК ТУРМУШ ТАРЗИ



Уруш йиллари қаттиқ ярадор бўлиб, жароҳат олган бухоралик Асад Мамедов ҳаётдан умидини узиб, оиласи бағрига қайтмасликни кўнглидан ўтказди. Бундан хабар топган Мохтоб ая турмуш ўртоғига мактуб йўллаб, тирик қолганлигингизнинг ўзи мен учун катта бахт, тезроқ уйга қайтинг, дея Асад отанинг кўнглини тоғдек кўтаради. Мана ўшандан буён улар бирга бахтли турмуш кечирмоқдалар. Икки фарзандининг роҳат-фароғатини кўришмоқда.

СУРАТДА: Асад ота Мохтоб ая билан.

Рустам ШАГАЕВ олган сурат.

• *Дил изҳори*

АБДУЛҲАҚ МУАЛЛИМ

«Абдулҳақ» калимаси «Ҳақнинг қули», «Худонинг бандаси» деган маъноларни билдиради. Бу калимани эсласам, кўз олдимда мактаб давримнинг яхлит манзараси — бир олам таассуротларга тўла Абдулҳақ муаллимнинг сабоқлари намоён бўла бошлайди.

Эсимда, эндигина Кавардон қишлоғидаги 3-мактабнинг саккизинчи синфида ўқишни бошлаган кезларимиз... Бизга янги ва мутлақо номаълум фан — химиядан қўшни Паркент туманининг Невич қишлоғидан бир неча йиллардан буён қатнаб ишлайдиган Абдулҳақ Расулов деган муаллим кирадиган бўлиб қолди. Бироз ҳаяжонландик. Сабаби аён: химия фани биз учун «сезам эшиги» каби очилмаган, устига, устак бу фандан «бегона» муаллим киради...

«Бегона» муаллим биринчи дарсданоқ биз билан «тил» топишиб кетди. «Тил» топишиб кетиш ҳам гапми, тез орада бизнинг узига оҳанграбодай тортиб олди.

Муаллимимиз мавзуларни ҳар гал қиёмига етказиб тушунтираркан, бизни химиянинг ажиб ва сирли «оламига» етаклаб кирарди. Мана шундай онларда химияни Абдулҳақ муаллимдан, Абдулҳақ муаллимни химиядан айри — айри кўролмасдик, тўғриси. Утган қирқ беш дақиқа ранго-ранг маълумотларга бой бўлар, биз эса бундан ҳайратланардик!

Абдулҳақ муаллимни теран фикрловчи нотиқ дегим келади. Гапираётганида аниқ ва равон сўзларди. У киши ҳар сафар ёниб-куйиб, берилиб дарс ўтар эди. Менинг тасаввуримда бир умрга узини ва борлиқни унутиб дарс ўтаётган Абдулҳақ муаллим қолган.

Муаллимликнинг нонини Абдулҳақ акачалик ҳалоллаб ейиш қийин деб ўйлайман. Абдулҳақ ака муаллимликни юксак масъулиятли вазифа деб билар, уз устида ҳамда биз ўқувчилар устида тинмай ишлар эди.

Абдулҳақ аканинг ўқувчилар билимини аниқлаш тамойили ҳам узига хос эди. У киши ҳар дарс янги мавзуни қойиллатиб ўтиб берардида, ўртамизга баҳсталаб саволларни ташларди. Саволлар жун бўлиб қурингани билан, аслида ҳар томонлама ўйланган, пишиқ-пухта жавобларни талаб қиларди. Қўшимча адабиётларни қўлига олмайдиган, дарсликни бир сидра варақлаб баҳо олишга — «қутилишга» шошилаётган айрим синфдошларим довдираб қоларди бу саволлар олдида. Бундай чоғларда қуюнчак муаллимимизни қошлари чимирилиб кетарди.

Уткир ва чуқур фикрлаш, ўз эътиқодида собитлик, ҳақиқат учун ёниб-куйиш Абдулҳақ муаллимга хос хислатлардан эди. Уни кўпчилик муаллимлардан ажратиб турувчи ҳам шу хислатлар эди, назаримда.

...Мактаб инсон ҳаётига илк тамал тошни қўяди деганлари рост экан. Биз мактабни битирдик. Лекин, мактаб давримизнинг ёркин манзаралари ҳамон хаёлимизда. Энди ўйласам, Абдулҳақ муаллимнинг дарсдаги ҳар бир ҳолати, ҳар бир ҳаракати — ўзи алоҳида дарс экан.

Мен бу дарсларни хаёлан эслайман. Фақат эслабгина қолмайман, соғинаман ҳам...

Саъдиддин САЙДИСЛОМОВ,
Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани.

• *Назм*

МАҲАЛЛАДОШЛАРГА

Шундай эркин бир замонда
ўзинг гулгун замон бўл.
Ҳар яхшига яхши бўлу
ҳар ёмонга ёмон бўл.
Ҳар қувончга сиз шеригу,
ҳар ташвишга мададкор,
Маҳалладош, азиз дўстим,
товуткашим омон бўл.
Бир-бировга елкадошу
ҳамроҳ дейман Сизларни,
Рози бўлиб яшанг дея,
ўйласангиз бизларни,
Биз ҳам Сизга яхшиликни —
эзгуликни қолдириб,
Бахтли бўлинг, деймиз юртнинг
эрка ўғил-қизлари!
Бизнинг ота-боболардан
қолмиш шундай дил нақли:
Тоғни талқон қилиб яшар,
аҳил бўлса эл яхши.
Ўзбекистон-тинчлик юрти,
омон-омон яшайди,
Ўзбек халқи қаддини тик-
тутиб яшашга ҳақли!

ТЎЛҚИН.

• *Мавсум қандай кечяпти?*

Зарбдор ойлик

Бу йил Оролбуйи минтақасига боҳор икки ҳафта кеч келди. Шу боис экин-тикин ишлари кечикди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси эндиги ғанимат кунларнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиб, экиш мавсумини тез ва соз ўтказишни таъминлаш мақсадида зарбдор ойлик эълон қилди. Деҳқончилик — саноат мажмуи таркибидаги барча корхона ва ташкилотларга зарур воситалар — ёнилғи ва мойлаш материалларини ўз вақтида етказиб бериш вазифаси юклатилди. Тиббий, савдо ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш ишлари далага кўчирилади.

• *Галла мустақиллиги йўлида*

ТАРАДДУД

Наманган вилояти туманларида ғалла ўрим — йиғимида ишлатиладиган техниканинг мавсумга тахтлигини текшириш учун тузилган махсус комиссиялар ишга киришди.

Умуман барча туманларда техникани таъмирлаш ишлари уюшқоқлик билан бажарилди. Хўжаликлар эҳтиёт қисмлар танқислигини сезишмади: «Агромашсервис» хизмати ходимлари яхши ишлашди. Улар эҳтиёт қисмлар олдингидек четдан келтирилишига кўз тикиб ўтиришмади. Ҳозир эҳтиёт қисмларнинг анча қисмини вилоятдаги бир қанча корхоналарда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

• *Оғриқ нуқталар*

ОЁҚСИЗ ГЎДАККА ОЁҚ БЎЛИШДИ

...Икки оёғи тиззасигача йўқ, ногирон бўлиб туғилган Гулсарани ота-оналари Самарқанддаги 1-гўдак болалар уйига келтириб ташлашди: —«Чўлоқ қизнинг кераги йўқ. Унинг тақдири учун изтироб чекишни истамаймиз, —дейишди «меҳрибон» ота-она. Шундай дея ўз елкаларидаги азоб-уқубат юкидан халос бўлгандек чиқиб кетишди. Қизча мунчоқдек кўзларини жовдиратиб қайга келиб қолганини билолмай ҳайрон қолаверди.

... Очиғи, эшитган киши лоқайд қолмайдиган ҳолат. Орадан вақт ўтиб Гулсара тиззасида чўккалаб турмоқчи бўлганда тарбиячиларнинг кўзларидан ёш чиқиб кетди. Йўқ, у мурғак тиззаси полга текканда оғриқни сезмас, аксинча жилмаярди. Аммо унинг шу ҳолатига жимгина қараб турган ва ёрдамчиларни зирқиратиб юборарди...

Бу ҳол узоқ давом этмади. Гулсарага, қаёт қувончларидан тўлибоқ маҳрум бўлган қизалоққа меҳрибон ота-она топилди. Узоқ ёзишувлардан, расмий ариза, мурожаатлардан сўнг океан ортидан келган ажнабий кишилар уни узларига тутинган фарзанд қилиб олиб кетишди. Фақат унигина эмас, юз-жагида ойби билан туғилган кичкина Рузимуродни ҳам.

Рузимуродниг отаси ишсиз аҳволда. Чақалоққа эса мураккаб жарроҳлик операцияси зарур, ноёб дори-дармонлар керак. Шу боис ота болалар уйи эшигини тақиллатишга мажбур бўлди ва бу даргоҳдан кўзда ёш билан ёлгиз чиқиб кетди.

Болалар уйи тарбиячилари Америка оиласида яшаётган ҳар икки гўдакнинг тақдири билан муттасил қизиқишади. Океан ортидан бу ерга тез-тез хат келиб туради. Унда ёзилишича, Гулсарага электрон протез оёқчалар қўйишибди. Тетапоя бўлиб юраётганмиш. Рузимуродни эса биринчи операцияга тайёрлашаётган экан. Ҳаммаси кўнгилдагидек ўтишга кафолат бор, деб ёзишибди.

Хатнинг тасдиғи сифатида ҳар иккисининг суратини юборишибди. Уларга тикилиб гўдак чеҳраларга болаликнинг қувончи қайтаётганини сезасиз.

Инсонга яримта қилиб берилган ҳаётни бутун қилиш осон эмас. Мажруҳ кўнгилга умид учқунларини ёқиш ундан ҳам қийин. Лекин шундай олижаноб кишилар бор экан, уларнинг меҳр-мурувватидан кемтик орзулар тўлишиб, ҳаёт тўлқинланиб, давом этаверади.

Н. ШОКИРОВА.

Ҳалқаро ҳаёт

● АҚШ Президенти Билл Клинтон билан Япония Бош вазири Рютаро Хасимотонинг Токиода бўлиб ўтган музокаралари якунида Осиё-Тинч уммони ҳудудида тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш учун 100 минг кишилик АҚШ ҳарбий қисмларини Япония ҳудудида сақлаш ҳақидаги ҳужжат имзоланди.

Ушбу ҳужжатнинг имзоланишига Осиё ва Тинч уммони ҳудудидаги вазиятнинг тўла барқарор эмаслиги сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Жанубий Корея билан Шимолий Корея ўртасидаги вазиятнинг кескинлашуви ҳам бунга мисол бўла олади, дейилади шу мавзудаги хабарда.

● Ҳиндистонда ҳаракат қилаётган «Халқ уруши армияси» террорчилари Андхра-Прадеш штатидаги иккита темир йўл бекатини портлатди. Натижада поездлар қатнови бир неча соат тўхтаб қолди. Шу куни улар мазкур штатдаги Телугу десам партиясининг Низомобод шаҳри ташкилоти қароргоҳига ҳам ҳужум қилиб, унинг фаолларини уққа тутган. Годавари округида эса террорчилар полиция бўлими биносига ҳужум қилиб, бир қанча ўт очиш қуролларини олиб кетишган.

Айни пайтда террорчиларнинг янги қўпорувчилик ҳаракатларига йўл қўймаслик мақсадида ҳукумат хавфсизлик кучлари жанговар ҳолатга келтирилди.

* * *

● Тайван билан Хитой ўртасида юзага келган кескинликни бартараф этишнинг энг ишончли йўли тинчлик шартномасини имзолашдир, деди Тайван Президенти Ли Динхуэй Япония-да чиқадиган «Санкэй симбун» газетаси мухбири билан суҳбатда. Бироқ, у шахсан Хитой раҳбари билан учрашишга ҳали эрта эканини, учрашувгача бир оз вақт ўтиши кераклигини айтди.

* * *

● Ливанда фаолият кўрсатаётган «Ҳезбиоллоҳ» ислом қаршилик ҳаракати, Исроилнинг шимолий ҳудудини куни кеча яна ракеталардан уққа тутди. Исроил ҳарбий вакилларининг маълум қилишича, ракеталар ҳужуми вақтида ҳеч ким ҳалок бўлмаган. «Ҳезбиоллоҳ» жангчилари шу куни Исроил ҳудудига қарата 40 тага яқин ракета отган. Уз навбатида Исроил ҳарбий самолёт ва вертолётлари Ливаннинг жанубий қисмига бир неча маротаба ҳужум уюштирди.

Бир ҳафта мобайнида Ливан тарафидан 38 киши ҳалок бўлди, Исроил томонидан эса 47 киши жароҳатланди.

* * *

● АҚШнинг Покистонга 368 миллион долларлик қурол-яроғ етказиб бериши Жанубий Осиёда қуролланиш пойгасини бошлаб беради ва минтақавий барқарорликка жиддий хавф туғдиради, деди Ҳиндистон Ташқи ишлар вазири Пранаб Мукержи. Унинг таъкидлашича, Покистон аввал ҳам АҚШдан кўплаб қурол-яроғ сотиб олган ва улардан Ҳиндистонга қарши фойдаланган. Айни пайтда эса мазкур давлат уз ядро қуролига эга бўлиш дастурини амалга оширмоқда.

* * *

● Афғонистон Олий суди Бурҳониддин Раббонийнинг президентлик ваколатини қонуний деб эълон қилди. Суд ҳайъатининг таъкидлашича, Бурҳониддин Раббоний 1993 йил халқ вакилари йиғилишида мамлакат Президенти этиб сайланган эди. Афғонистоннинг олий ҳуқуқий органи бир гуруҳ диндорлар томонидан «Толибон» ҳаракатининг йўлбошчиси мулла Муҳаммад Умарнинг мамлакат раҳбари этиб эълон қилинишини кескин қоралади. Мамлакатдаги бошқа сиёсатчилар ҳам диндорлар қабул қилган ушбу қарорнинг қонуний эмаслигини таъкидлашмоқда.

* * *

● Гондурас Президенти Карлос Робберто Рейна 1991 йилда Гаити Президенти Жан-Бертран Аристид ҳукуматини агдариб ташлашда иштирок этган бир гуруҳ иситчиларга сиёсий бошпана беришни маълум қилди. 1994 йилда улар Доминикан Республикасида яширинган эди. Айни пайтда улардан беш нафари Доминикан ҳукумати томонидан ҳибсга олинган. Улар орасида ҳарбий тўнтаришдан кейин тузилган ҳукуматнинг юқори лавозимларида ишлаган кишилар ҳам бор.

* * *

● Деҳли университетида талабалар билан полициячилар ўртасида тўқнашув юз берди. Натижада 30 нафарга яқин киши жароҳатланди. Полиция вакилининг маълум қилишича, талабалар уқув даргоҳи маъмурияти факультетларининг бирида ўқитиш тизимига ўзгартиш киритгани учун норозилик билдирган ва кўчага чиқиб тус-туполон уюштирган. Уларни тинчлантириш учун полициячилар куч ишлатишга мажбур бўлди.

* * *

● Татаристон иқтисодиётида ўзгариш юз бермоқда. Республика статистика қўмитасининг маълумотига кўра, йил бошидан буён маҳсулот ишлаб чиқариш 3,2 фоизга ошди. Усиш айниқса, нефть қазиб олиш, нефткимё ва энергетика соҳаларида сезилмоқда. Президент Минтимер Шаймиевнинг таъкидлашича, агар жорий йилнинг ярмигача ишлаб чиқаришнинг ўсиши 5 фоизга етказилса, йилнинг охирига келиб аҳоли турмуш даражасининг пасайиши тўхтайди.



● Японияннинг Токио шаҳридаги Император саройи ўзининг гўзал ва мафтункорлиги билан доимо бу ерга келувчи сайёҳларда ёркин таассурот қолдиради.



ИЙМОН ВА ҚОНУН

• *Ҳуқуқий давлат сари*

Муроджон РАҲМОНОВ 1938 йили Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманида туғилган. Меҳнат фаолиятини оддий шофёрликдан бошлаган. Кўп йиллар давомида туман прокуратурасида терговчи, Андижон ҳамда Асака шаҳарларида прокурор бўлиб ишлаган, Шаҳрихон туманлараро прокурори лавозимида хизмат қилган. Ҳозир Хўжаобод тумани прокурори.

— Суҳбатимизни Президентимизнинг инсон ҳамма нарсага доғ бериши мумкину, лекин адолатсизликка чидай олмаслиги ҳақидаги мулоҳазаси билан бошласак...

Бу гапнинг илдизи хийла чуқур. Адолатсизлик шундай бир иллатки, киши ўз бошидан кечирмас экан, алам-заққумини ҳам юрак-юрақдан ҳис қилолмайди. Адолатсизлик инсоннинг нафсониятини ерга уради, қалдини маънан букиб қўяди. Гурурини поймол қилади. Мана шу жиҳатлари билан ёмон у.

— Сиз ўзингиз бошдан кечирганмисиз?

— Қачонлардир бўлган. Ўзингиз яхши биласиз: бизда қишлоқ мактабларида рус тили яхши ўқитилмас эди. Университетни тугаллаб, прокуратурага ишга келганимдан сўнг ҳамма ҳужжатлар рус тилида расмийлаштирилиши, мажлислару йиғинлар шу тилда олиб борилиши туфайли хийла қийналдим. Бир-икки марта мажлисларда ўзбекча гапириб қўйиб, дакки эшитганларим ҳозиргидай ёдимда. Ўша пайтлар бутун вужудим жунбушга келарди: нега энди мен ўз юртимда туриб, она тилимда гап айтолмасам?

Республикамиз мустақилликни қўлга киритгач, қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботида ҳам миллийлик руҳи кириб келди. Баъзи қонунларимизга халқимизнинг турмуш тарзи, шароитлари, асрий удум-анъаналари инобатга олинган ҳолда ўзгартишлар киритилди. Энди биз ўз халқимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қила олаётганлигимиздан мамнунмиз. Бизга юклатилган вазифага Президентимиз Ислом Каримов Республика Олий Кенгаши сессияларидан бирида жуда тўғри баҳо берди. «Ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам қонундир, — деди у, — биз қонунни ҳурмат қилиш, унга бўйсуниш, риоя қилиш йўлидан борсак, истиқболимиз порлоқ бўлади».

— Ҳозирги пайтда Сизни ҳуқуқшунос сифатида ташвишга солаётган нарсалар борми?

— Ҳуқуқшунос сифатида ҳам, оддий инсон сифатида ҳам мени ташвишга солаётган бир нарса бор. Бу ҳам бўлса, ёшларимиз, айниқса, вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг камаймаётганлигидир. Биз бозор иқтисодиётини танлаб, тўғри иш қилдик. Лекин баъзиларимиз фарзандларимизнинг кўп ҳолларда ўқиш-ўрганиш илмини ташлаб юбориб, бозорга муккасидан шўнгиб кетиши, маънавиятдан четда қолаётганликларига аҳамият бермай эса, нотўғри қилдик. Бу борада ўрта йўлни танлаб олиш керак эди, мутаносибликни қўлдан чиқармаслик зарур эди. Ахир биз келажаги буюк давлат қуряпмиз-ку! Эртага Ўзбекистоннинг бешигини тебратадиган ёшлар бугун камолотга эҳтиёжи илм-фан чўққиларини забт этишлари керак. Лекин, минг афсуски, кўп ҳолларда ашаддий қонунбузарлар ўшаларнинг орасидан чиқмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари ушбу масалага жиддий эътибор бериб, халқ таълими фидойилари билан биргаликда жамиятимизга ёт бу кўринишнинг олдини олиш борасида зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқмоқдаклари лозим.

Мен асли шу замин фарзандиман. Жиноятга қўл урган ёшларни кўрсам, уларга чин дилдан юрагим ачишади. Фарзандим каби куйинаман уларга. Энди тақдирлари нима кечади? — дея ўйга ботаман.

— Кўпгинизга келмасину, ҳозир ишхонангиздан бир аёлнинг кўзда ёши билан чиқиб кетаётганини кўриб қолдим...

— Кўзига қарабсизу, юзига назар солмабсиз-да! Юзларига яхшилаб қараганингизда эди, жилмайишни кўрардингиз. Кўзларидаги эса — қувонч ёшлари. «Иймонли одам экансиз, раҳмат!» — деди чиқиб кетаётиб. Аслида мен бу мақтовга лойиқ бирор катта хизмат қилганим йўқ. Тепса тебранмас кичкина бир раҳбар бу онахоннинг беш дақиқада битадиган ишини беш ойдан бери судраб юрган экан. Қонун мурватларини қаттиқроқ бураб қўйдик, холос. Онахоннинг иши шу заҳотиёқ битиб кетди.

Аслида кўп нарса фуқароларимизнинг ўзлари ҳали қонунни яхши билмаганликлари оқибатидан келиб чиқади. Истибдод тузумининг ёмон иллатларидан бири — қонунлар фақат қонуншуносларгагина ўргатиларди, халқ оммаси эса бу қонунлар билан яқиндан таништирилмас, шу боис кўплар ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини билмас эдилар. Оқибатда кўпинча чивиндан фил ясаш ҳоллари рўй берарди.

Яқинда Шаҳрихондаги атлас тўқиш фабрикасига қарашли болалар боғчасининг ходимларидан шикоят тушди. Унда боғча ходимлари бир неча ойдан бери ўз маошларини ололмай сарсон бўлаётганликлари айтиб ўтилган эди. «Пул ҳеч қаерда йўқ эмиш, ундай эмиш, бундай эмиш» ва ҳоказо. Текшириб кўрдик. Аниқландики, бу нарсада давлатнинг ҳам, раҳбарларнинг ҳам, банкнинг ҳам айби йўқ экан. Фақат фабрика бош бухгалтери А. Араббоев ўз ишига ўта совуққонлик билан муносабатда бўлибди, холос. Ўша шахснинг айби билан одамлар ойлик ололмаётган эканлар. Биз аралашгандан сўнг боқибеғам бухгалтер жазосини олди ва одамлар уч кун ичида ўз маошларига эга бўлдилар.

Яна бир мисол. Шаҳрихон шаҳар Давлат солиқ назорати ходими Аваздек Деҳқонов бизга асоссиз ишдан бўшатилгани ҳақида ариза билан келди. У ўз раҳбарларига уни ноқонуний равишда ишдан бўшатаётганликларини айтибди. Лекин бу гапни инобатга олмабдилар.Биз текшириб кўрдик. Маълум бўлдики, Деҳқонов ҳақ экан. У ўз вазифасига тикланди.

— Сиз юқорида иймонни тилга олдингиз. Яқинда бир одамнинг «Қонун кўрсатмалари бошқаю, иймон бошқа» деган гапи қулоғимга чалиниб қолди. Унинг айтишига қараганда, қонун ва иймоннинг йўллари бутунлай кесишмас эмиш...

— Мутлақо нотўғри гап бу. Бизнинг қонунларимиз инсонийлик тамойиллари ва иймон асосига қурилган. Келинг, энг аввало «иймон» сўзининг этимологик маъносини чақиб кўрайлик, яъни илдизига назар ташлайлик. У биринчидан «Худога ишониш, эътиқод қилиш» тушунчасини берса, иккинчидан виждон, ҳалоллик маъносини беради. Хўш, шундай экан, қандай қилиб қонун ва иймон бошқа-бошқа йўлдан кетсин?

— Сиз касб обрўси, шарафи ҳақида қандай фикрдасиз? Яшириб ўтирмайман, баъзи ҳолларда айрим ҳуқуқ-тартибот ходимлари ҳақида ноҳуш гаплар қулоққа чалиниб қолади...

— Нима демоқчи эканлигингизни тушундим... Одамларнинг оғзига элак тутиб бўлмаслиги аниқ. Мабодо бизнинг касб ходимларидан кимдир баднафслик қилган бўлса, бошқа ҳаммани ҳам ана шундай деб ўйлаш адолатдан эмас, албатта. Худди шунга ўхшаб, ҳозир, сиз билан биз суҳбатлашиб ўтирган паллада кимдир қандайдир прокурор ёки судьянинг номини сотиб иш юритмаяпти, деб ким кафолат бера олади? Ишонаверинг, бизнинг орамизда ҳаромдан ҳазар қиладиган, виждонли, ориятли одамлар мутлақ кўпчиликни ташкил этади.

— Сизнинг ҳуқуқшунослик сифатидаги ҳаётий шиорингиз нима?

—Жамиятимизда шундай қонун устивори бўлсинки, токи айбдор жазодан қочиб қутулолмасин, беайб инсон эса ҳеч қачон бекордан-бекор жабр тортмасин. Менинг мақсадим, шиорим ҳам мана шу.

Қ. СОБИРОВ суҳбатлашди.

● Суҳбатга чорлаймиз

ҲАР КИМКИ ЖАФО ҚИЛСА...

Рустам Акбаров 1948 йили Тошкентда туғилган. Ўз меҳнат фаолиятини Тошкент чинни заводида бошлаган. Сўнг кўп йиллар адвокат, туман прокурорининг ёрдамчиси, терговчи, судья, туман судининг раиси, Тошкент шаҳар суди раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон Адлия вазирлигида бошқарма бошлиғи бўлиб ишлаган. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг раиси сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Қуйида Рустам Акбаров билан бўлган мулоқотни эътиборингизга ҳавола этамиз.

— Рустам Аҳматович! Судни учинчи ҳокимият дейишади. Яъни унинг ҳукми билангина тўғрини тўғри, эгрини эгри, деб аташимиз мумкин. Шундай бўлсада, суд ҳукми ўқилгандан кейин ҳам одамлар идорама-идора адолат излаб югурадилар. Бу нима, судларга ишончсизликми?

— Бу саволга бир ёқлама, лўнда жавоб бериш қийин. Айтмоқчиманки, дунёда ўз айбига, қилмишига тўла иқрор бўлиб, гуноҳини юз фоиз бўйнига оладиган мардлар унчалик кўп эмас. Шунинг учун ҳам чўкаётган одам ҳасга ёпишгандек, жазодан қутилиб қолиш, жилла бўлмаса енгиллатиш учун жонини жабборга бериб югурадилар.

— Сиз бу ниманинг оқибати деб ўйлайсиз?

— Аввало масаланинг илдизига назар ташлаш керак. Баъзан шундай бўлади. Кўпинча қабул вақтида жуда кўп оналар, оталар келиб, фарзандларининг қўй оғзидан чўп олмайдиган, мўмин қобил эканлиги, аммо уни айримлар алдаб, қўрқитиб жиноят йўлига киритганлигини кўзда ёш билан айтиб берадилар.

Ишни олиб чуқур ўрганамиз. Охир-оқибатда ўша ноқобил ўғилнинг ўзи айбдор бўлиб чиқади. Жиноятчи бўлишига эса ота-оналарнинг бепарволиги ва айрим пайтларда билиб-билмасликка олишлари ҳам сабаб бўлганлиги аниқланади. Шулар ҳақида ўйлаганимда бир ибратли ҳикоят эсимга тушади.

Айтишларича, қадим замонда бир йигитнинг қилган оғир жинояти учун ўлимга ҳукм қилишибди. Уни дор тагига келтирибдилар.

— Сўнгги истагингни айт, бажарайлик, — дебди қози унга қараб.

Онамни келтиринглар, тилларидан бир ўпай.

— Ғам-андуҳдан адо бўлган муштипар онани етаклаб йигитнинг олдига келтиришибди.

— Онажон, тилингизни бир ўпай, — дебди у илтижо билан.

Она тилини чиқариб ўғлини юзига яқинлашиши билан йигит шаҳд билан уни тишлаб узиб олибди. Ҳамма даҳшатдан қотиб қолибди.

Қози: — Бадбахт ўғил, аслида энг каззоб одам экансан. Ўзинг-ку ўлиб кетаётирсан. Ўлиминг олдидан бир бегуноҳ кишига, яна ўз онангга жабр қилганинг нимаси? — дебди.

Йигит: — Бегуноҳ! — дебди қозига, оламонга бир-бир қараб. Аслида менинг қўрғиликларимнинг, мен туфайли жабр кўрганларнинг гуноҳкори шу аёлдир.

Эсимда, ўн ёшларда эдим чамаси. Қўшнимизнинг товуғи томорқамиз этагидаги хас-хашак ичига тўртта тухум қўйган экан. Уни олдиму онамга келтирдим.

— Уларни қаердан олдинг, — деб айтдилар.

— Қўшнимизнинг товуғи ҳу анов ерга тухум туғиб кетибди.

— Майли, қорнинг ҳам очдир. Ҳозир пишираман, иккаламиз еб оламиз. Лекин ҳеч кимга айтиб ўтирма.

Шундан кейин мен қўлимга илинган нарсаларни уйимга келтира бошладим. Онам эса ҳеч нарса демасдилар. Ҳатто айримлар ўғрилигимни билиб қолиб жанжал кўтарган пайтларида онам жонимга оро кирардилар. Шу-шу ўғирлик қилмасам туролмайдиган бўлиб қолдим. Кейинчалик катта-катта «иш»ларга қўл урдим. Машҳур ўғрига айландим. Аммо «текин томоқ тешиб чиқади», деганларидек, мана гуноҳимга яраша жазо оляпман.

Бироқ мен ҳам одамлардек ҳалол ишлашим, ҳалол яшашим мумкин эди-ку! Кўргиликларимга эса мана шу онам сабабчи. Агар у биринчи маротаба ўғирлик қилиб, тухум келтирганимда ширин гапи билан бировларнинг ҳақини ейиш гуноҳлиги, бу яхши нарса эмаслигини яхшилаб тушунтирганларида мен шу кунга тушмасдим...

Хулоса шуки, инсон жиноятчи бўлиб туғилмайди. Унинг онгини ўзи яшаётган муҳит шакллантиради. Шундай экан, кейин афсусланиб югуриб юргандан кўра фарзанд тарбиясига эртароқ киришган маъқул. Ёшларнинг меҳнаткаш, ҳалол, виждонли, диёнатли, элпарвар, ватанпарвар бўлиб ўсиши ўзимизга боғлиқлигини унутмаслик керак.

Қўпинча ишимиз кўплиги, вақтимиз зиқлигини баҳона қилиб тарбияни боғча, мактаб зиммасига юклаймиз, фарзандларимиз жамоат жойларида ўзини қандай тутяпти, кимлар билан ўртоқ, нималар билан шуғулланяпти, қизиқиб ҳам кўрмаймиз. Назорат бўлмагач, ёшлар нопок йўлларга кириши ҳам ҳеч гап эмас.

— Кўпинча, юқори ташкилотларга, хусусан, судларга жиноят содир этганларга адолатсиз жазо тайинланганлиги ҳақида шикоятлар тушади. Муаллифлар судда у ёки бу воқеалар, далиллар, исботлар инобатга олинмаганлиги, керакли гувоҳларнинг кўрсатмаларига эътибор берилмаганлигини баён этадилар. Шундай ҳолларда қандай йўл тутилади?

— Биз бундай ҳолларда шикоят-аризаларни иш материаллари билан қўшиб ўрганиб, шикоятлардаги важларнинг қанчалик асосли эканлигини текширамиз. Важлар асосли бўлса ишлар терговга қайтарилади, хатолар тузатилади, жазолар енгиллашади. Лекин шикоятлар орасида ҳақли жазодан қутилиб қолишга уриниш ҳоллари ҳам йўқ эмас.

Яқинда Сирдарё вилоят судидан Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида кўриш учун Шарофитдин Зокиров ва унинг жиноий гуруҳлари иши келди.

Шарофитдин Зокировнинг шахсига бир эътибор беринг: у 1939 йилда туғилган, оилали, беш нафар фарзанди бор, олтмишни қорилаб қолган, каттагина оиланинг бошлиғи. Фарзандларини уйли-жойли қилиб, набираларининг бошларини силаши, уларга одобахлоқдан, тўғри юриш-туриш афзалликлари хусусида панд-насиҳатлар қилиши унинг учун лозим ва шарт эди. Лекин Ш.Зокиров фарзандларига яхши одам бўл, эл юртнинг корига яра, деб айтиш ўрнига ўзи бош бўлиб, уларни жиноят йўлига бошлади. Ўзгаларнинг ҳалол меҳнатлари эвазига топган мол-мулкини жиноий йўл билан эгаллаб олишни ва бунинг орқасидан кайф-сафо билан турмуш кечиришни мақсад қилиб, уюшган барқарор жиноий гуруҳ тузади. Бу гуруҳга ўғиллари — 1970 йилда туғилган Шокир Зокиров ва 1972 йилда туғилган Раҳимжон Зокировни ҳамда Оллоберди Рўзиев, Қобил Орипов ва бошқаларни жалб қилади, қатор йиллар давомида фуқароларнинг уйларига бостириб кириб, уй эгаларини ўлдириб, мол-мулкини эгаллаб, ўта оғир жиноятлар содир этадилар.

Масалан, Ш.Зокиров ўғли Шокир Зокиров билан соат 12 ларда Гулистон автобус бекатида О.Рўзиев, Х.Қаюмов, Ҳамидовлар билан учрашиб, бир ўзи яшовчи, иккинчи гуруҳ ногирони Ҳамроевнинг уйига киришиб, ундан пул ва бошқа нарсалар талаб қилишади, ўлдириш билан қўрқитишади. 300 сўм пул берганда, бу кам, яна топ деб уни қўрқитишади. Рўзиев, Қаюмов Ҳамроевнинг қўлларини қайириб, ваннахонага олиб кирадилар, шунда Ш.Зокиров Ҳамроевга бир неча марта пичоқ уриб, уни раҳмсизларча ўлдиради ва унинг уйидан 3965 сўмлик буюмларни олиб чиқиб кетадилар.

Ш.Зокиров 1992 йил 20 апрелда Қ.Орипов билан жиноий тил бириктириб иккинчи гуруҳ ногирони Шайбековни алдаб, Сирдарё тумани матлубот жамиятига қарашли бўрдоқичилик фермасининг бўш уйига олиб келишиб, уни раҳмсизларча ўлдирадилар ва унинг 8 минг сўм пулини, соатини олишиб, жиноятни яшириш мақсадида жасадни кўмиб ташлайдилар.

Ш. Зокиров ўғиллари Шокир ва Раҳимжон Зокировлар билан 1993 йил 27 июнь куни кеч соат саккиз яримларда Гулистон шаҳридаги 14-дўконга киришиб, қоровул Раҳимжон Қўшоқовдан вино топиб беришини талаб қилади. У рад жавобини бергач, Зокиров Раҳимжонни ўлдириш мақсадида: «юр, санда гап бор», деб уни дўкон орқасига тортади. Шу ерда маст ҳолда турган Шарофитдин Зокиров унга пичоқ уради. Қўшоқов ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида қочади. Сўнгра акаси билан нима учун пичоқ урганлигини билиш мақсадида Зокировларникига келганида, Ш.Зокиров уларга ўғли Раҳимжон билан пичоқ билан ташланадилар. Ака-укаларнинг бири оёғидан, бири кўкрагидан яраланиб қочиб қутиладилар...

Шарофитдин Зокиров ва у тузган банда ўзларининг жиноий фаолияти орқасидан ўнлаб одамларнинг ҳаётига зомин бўлдилар ва жуда кўп хонадонларга мусибат, қайғу олиб кирдилар.

Сирдарё вилояти суди Ш.Зокиров ва унинг тўдасининг жиноий ишини ҳар тарафлама ўрганиб чиқиб, Ш.Зокиров ва жиноий гуруҳнинг қатор аъзоларига ўлим жазоси тайинлаш ҳақида ҳукм чиқарди.

Ш.Зокиров ва у тузган жиноий гуруҳ аъзолари Олий Судга ариза бериб, ўзларини сутдек оқ, мусичадек беозор кўрсатишга уринганлар. Лекин тергов ва суд ҳужжатлари уларнинг жиноий қилмишларини очиқ-ойдин тасдиқлаб турар эди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлар бўйича судлов ҳайъати ишни ўрганиб чиқди ва Сирдарё вилоят судининг ҳукмини тасдиқлади, шикоятчиларнинг аризаларини эса қаноатлантирмай қолдирди. Зеро, жиноятчининг қилмишига яраша муносиб жазо тайинлаш адолатдир.

— Демак, ҳақиқат қарор топибди. Бу одамлардаги адолат тантанасига бўлган ишончни мустаҳкамлаш шубҳасиз. Шундан келиб чиқиб, Олий судда суд ҳокимиятини мустаҳкамлаш борасида қандай ишлар амалга оширилаётганлиги хусусида ҳам гапириб берсангиз?

— Маълумки, Республика Олий суди энг юқори суд органи ҳисобланади, у ҳар бир ишни қонунга асосан ҳал этилишини таъминлайди. Қуйи судлардан ҳам шуни талаб қилади. Шу билан бирга оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этган шахсларга, олдин судланганларга, бирон жойда ишламасдан мўмай пул топиш йўлига ўтиб кетганларга нисбатан қонунда белгиланган қаттиқ жазолар белгилаш учун қуйи судларга ўз кўрсатмасини беради.

Ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан тайинланган жазолар оғир деб топилганда, жазоларни камайтиради. Масалан, Республика Олий суди 1994 йилда 149 кишига нисбатан қуйи судлар томонидан тайинланган жазолар оғир деб топилганлиги сабабли ҳукмлар ўзгартирилиб, жазолар қисқартирилган бўлса, 1995 йилда 247 кишига нисбатан жазолар оғир деб топилиб, ҳукмлар ўзгартирилди, 25 шахсга нисбатан жиноий ишлар судланганларнинг ҳаракатида жиноят таркиби йўқлиги сабабли ҳаракатдан ётқизилди.

Оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганлиги учун 1994 йилда судлар томонидан 89 кишига нисбатан белгиланган жазолар енгил деб топилиб ҳукмлар бекор қилинган бўлса, 1995 йилда 70 кишига нисбатан қуйи судлар белгилаган жазолар енгил деб ҳукмлар бекор қилинди ва янгидан суд мажлисида кўриш учун юборилди.

Президентимиз И.А.Каримов Республика Олий Мажлисининг IV сессиясидаги нутқида ҳам суд ҳокимиятини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор бердилар. Улар суд ҳокимиятнинг учинчи тармоғи эканлигини уқтириб, давлат ва жамият обрўси ўша давлатда мавжуд бўлган суд ва судьяларнинг қонун талабларига оғишмасдан амал қилишларига, қабул қилинган қарорлар адолатли бўлиб, қонун меъёрларига нечоғлик мос келишига бевосита боғлиқ эканлигини айтдилар.

Суд ишлари холисона, ҳеч кимнинг аралашувисиз кўрилиши лозим. Судда кўрилаётган ёки кўрилган ишларни ваколати бўлмаган шахслар томонидан назоратга олиниши суд ҳокимияти тамойилларга зид ҳисобланади.

Суд фуқаролар кўз олдида уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилувчи орган сифатида гавдаланиши керак.

Биз кишиларимизнинг онгини ва уларнинг суд ҳокимиятига нисбатан бўлган муносабатларини ўзгартиш борасида ҳали анча ишлар қилишимиз лозим. Суд маданиятини кўтаришимиз, ҳар бир суд жараёни фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлишига эришишимиз керак. Ана шундагина суд ҳақиқий маънода адолат посбонига айланади. Суд ва судьялар фуқароларда ўзига нисбатан ишонч туғдириши ва бу ишончни ҳар куни ва ҳар доим амалий ишлар билан исботлаши лозим. Яна бир муаммо бор-ки, бунинг боиси ҳали фуқароларимизда ҳуқуқий билимларнинг етишмаслигидир.

Агар улар ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини яхши тушунганларида эди, муаммоларнинг кўп қисми одилона ҳал бўлар эди. Яъни одамларнинг ўзлари сарсон-саргардонликдан, асаббузарликлардан қутилишар эди.

Ушбу ўта муҳим масалани ҳал этиш учун етарли шарт-шароит мавжуд. Ҳуқуқшуносликка доир адабиётлар етарли. Қонун ва қарорлар газета ва журналларда чоп этилмоқда. Алоҳида китобча қилиб нашр қилинаётир.

Фақат мактабларда, қолаверса Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ҳуқуқшунослик фанини ўқитишга катта эътибор бермоқ даркор. Биз ҳуқуқий давлат қуряпмиз. Ҳуқуқий билимларни чуқур билмай туриб бундай давлатни қуриб бўлмайди. Шунинг учун жамиятимизда қонун устиворлигини таъминлашимиз керак.

«Адолат»нинг махсус мухбири
Каримжон РИХСИЕВ суҳбатлашди.

● Амир Темурнинг 660 йиллигига

ҲАР КОШИНДА МОЗИЙ САДОСИ

«Самарқанд таъмирлаш» махсус илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг кошинкор-наққошлари Улуғбек мадрасасида қисқа вақтда 4 миллион сўмлик таъмирлаш ишларини бажаришди. Мадраса ичкарисининг юқори қисми асл ҳолига келтиришди. Авез Ҳалимов, Давлат Ҳакимов, Раббим Нўъмонов, Мамажон Эшонқулов сингари халқ усталари тарихий манбаларни синчиклаб ўрганиш асосида мадраса пештоқидаги ёзувларни нилий бўёқларда тўла тиклашга муваффақ бўлишмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Улуғбек мадрасасининг таъмирдан чиққан ички қисми. 2. Уста Ҳаким Асадов ва Ўлмас Каримов нақшларни жойлаштириш хусусида ўзаро маслаҳатлашаётган пайт. 3. Регистоннинг бугунги кўриниши.

З. ТЎРАҚУЛОВ олган суратлар.

Ойнаи жаҳонда

22—28 апрель

ДУШАНБА, 22

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон телевидениесининг барча каналларида профилактика ўтказилиши сабабли, душанба 22 апрель куни ЎзТВ I кўрсатувлари соат 17.55 дан бошлаб намойиш этилади.

I
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
Публицистик кўрсатувлар дастури:
18.10 I. «Миллат». «Кузгудаги ҳақиқат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 Биржа ва банк хабарлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг V сессияси олдидан.
21.30 2. «Миллат». «Уни ким уйготади?». Публицистик кўрсатувларнинг давоми.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.55 «Сен баҳорни соғинмадингми?». Узбекистонда хизмат кўрсатган артист Икромжон Буронов куйлайди.

II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 «Палитра».
19.05 ТВ II намойиш этади.
19.15 «Постфактум».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Кўрьер».
20.15 «...яна об-ҳаво ҳақида».
20.20 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 ТВ II намойиш этади.
21.10 «Уфқлар».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.00 — 24.00 «Спорт-китъаси».

III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Армудлар». Телефильм.

Россия жамоат телевидениеси
18.10 — 20.40
*
20.40 «Тропиканка сири». Телесериал.
21.30 Эълонлар.

Россия давлат телевидениеси
18.10 — 20.40
*
20.40 «Тропиканка сири». Телесериал.
21.30 Эълонлар.
21.35 «Дорбоз Тошкенбоевлар». Телефильм.

Россия давлат телевидениеси
22.00 — 22.20
*
22.20 «Чўл тимсоҳи», «Байрамали». Телефильмлар.
22.50 Эълонлар.
22.55 — 23.00 Янгиликлар.

IV
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 Футбол. Узбекистон чемпионати.
19.40 «Кузмунчоқ». Болалар учун дастур.
20.10 Эълонлар.
20.15 «Дунё эшиги». Бевосита мулоқот.
20.45 «Спорт-тайм».
21.15 Эълонлар.
21.20 «Кинематограф».
22.10 «Тиббиет ҳамма учун».
22.45 «5+1».
23.15 — 23.25 «Хайрли тун!»

СЕШАНБА, 23

I
6.30 «Ассалом, Узбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Узбекистон!» (давоми).
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 8-серия.
9.10 Биржа ва банк хабарлари.
9.25 «Талабалик йилларим». Таҳлилий кўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ишбилармон». Тадбиркорлар ҳаётидан лавҳалар.
Ўқув машғулотлари:
10.30 Узбекистон тарихи.
11.00 Немис тили.
*
11.30 «Жаҳон киноси юлдузлари». Элизабет Тэйлор.
12.00 «Бешинчи довон». Видеоканал.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Улғайиш поғоналари». Тележурнал.
18.35 «Бугунги Европа». Публицистик кўрсатув.
19.05 «Фан фидойилари». Юридик фанлари доктори, профессор Икром Зокиров.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Автоолам». Телелавҳа.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг V сессияси олдидан.
21.30 «Камондаги қалб». Мусиқий дастур.
21.55 «Ажаб саодат эрур». Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига.
22.45 «Ҳужа Насриддин: экрандаги саргузаштлар».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.35 «Теннис-клуб».

II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 ТВ II намойиш этади.
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Бизнес-уик».
20.10 «АРТ-журнал».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.00 «Кинонигоҳ».
23.40 — 00.25 «Спорт-китъаси».

III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Қуқон сёгорликлари». Телефильм.

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
* * *
18.10 — 20.40
*
20.40 «Тропиканка сири». Телесериал.
21.30 Эълонлар.
21.35 «Бу ажиб дунё».
21.55 «Райҳон Қосимова рақсга тушади». Фильм-концерт.
22.15 «Палиостоми қули». Телефильм.

Россия давлат телевидениеси
22.25 — 23.30
*
23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 Солиқ ҳақида сабоқлар.
19.05 «Дунё ва болалар».
19.45 Эълонлар.
19.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.40 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.10 «Уй остонадан бошланади».
21.50 Эълонлар.
21.55 «Узбекистон компьютери: бугуни ва келажаги».
22.40 «Мушоҳада учун мавзу». Публицистик кўрсатув.
23.00 — 23.10 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 24

ХАЛҚАРО ЁШЛАР БИРДАМЛИГИ КУНИ

I
6.30 «Ассалом, Узбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Узбекистон!» (давоми).
*
8.30 «Ажаб саодат эрур». Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига.
9.20 «Ҳужа Насриддин: экрандаги саргузаштлар».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Маърифат маскани». Ёшларнинг тафаккур дунёси.
Ўқув машғулотлари:
10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 «Янги алифбони ўрганамиз».
11.30 Адабиет.
*
12.00 Узбекистон Давлат телерадиокомпанияси бадиий жамоаларининг концерти.
12.35 «Ассалом, япон тили!».
13.15 «Мен ёшликман...». Халқаро ёшлар бирдамлиги кунига.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Табиат шайдолари». Телебеллашув.
18.50 Спорт хабарномаси.
19.00 «Ёшлар ва замон». Халқаро ёшлар бирдамлиги кунига.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Иқтисодиет чорраҳаларида». Тележурнал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг V сессияси олдидан.
21.30 «Дилдаги гаплар». Муҳриддин Холиқов.
22.15 «Бустон». Телевизион журнал.
23.15 «Узбектелефильм» кўрсатади: «Мусаввир нигоҳи».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.25 «Бугуннинг гаплари». Мусиқий публицистик дастур.

II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 ТВ II намойиш этади.
18.40 «Кулгига нима етсин!».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер — Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳайвонот оламининг сири».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.20 — 00.20 «Спорт-китъаси».

III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Баҳор». Телефильм.

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
* * *
18.10 — 20.40
*
20.40 «Тропиканка сири». Телесериал.
21.30 Эълонлар.
21.50 «Унутилган қушиқ», «Балкон». Телефильмлар.

Россия давлат телевидениеси
22.00 — 22.20
*
22.20 «Умр — оқар дарё...». Ҳужжатли фильм. Ботир Зокиров хотирасига бағишланади.
23.00 Эълонлар.
23.05 — 23.10 Янгиликлар.

IV
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Билиб қўйган яхши».
19.20 «Дорихона эшитади...». Бевосита мулоқот.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Сени севаман, Тошкент!».
20.30 «Оқшом учрашувлари». Узбекистон Давлат телерадиокомпаниясининг 70 йиллигига.
21.15 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
21.45 «Бизнес-академия».
22.10 «Тошкентнома».
23.00 — 23.10 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 25

I
6.30 «Ассалом, Узбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Узбекистон!» (давоми).
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Дилдаги гаплар». Муҳриддин Холиқов.
9.25 «Иқтисодиет чорраҳаларида». Тележурнал.
9.40 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Қишлоқ тадбиркорлари». Телеҳикоя.
Ўқув машғулотлари:
10.30 Инглиз тили.
11.00 Узбек тилини ўрганамиз.
11.30 «Хоразм ҳалқлари». Мусиқий дастур.
12.00 «Тараққиет». Публицистик кўрсатув.
12.30 Кураш. Осиё чемпионати.
13.00 Диққат, премьера: «Истеъдод. Розия Абдуҳаирова». «Узбектелефильм». Фильм-концерт.
13.30 «Тафаккур». Тележурнал.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 Футбол бўйича Узбекистон чемпионати.
17.50 «Ўқиётган болалар». Мультфильм.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Инсон болаликдан бошланади». Узбекистон телевидениеси ҳамда «Халқ сўзи» газетасининг биргаликдаги рейди.
18.45 Мусиқий дақиқалар.
18.55 «Марказий Осиё: тинчлик йўлидаги ҳамкорлик».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Ахборот».
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг V сессияси олдидан.
21.35 «Мусиқа жавони». Тележурнал.
22.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 01.15 Спорт дастури: 1. Футбол бўйича Узбекистон чемпионати. 2. Теннис-клуб.

II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 ТВ II намойиш этади.
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Фармед».
20.10 «Сизнинг услуб».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Автосалон».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.00 «Кинонигоҳ».
23.40 — 00.40 «Спорт-китъаси».

III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Батабат». Телефильм.

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
* * *
18.10 — 20.40
*
20.40 «Тропиканка сири». Телесериал.
21.30 Эълонлар.
21.35 «Улоқ», «Сеҳрли йилқи». Телефильмлар.

Россия жамоат телевидениеси
22.00 — 22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 Спорт янгиликларининг эстафетаси.
22.50 — 22.55 Эълонлар.

IV
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Илтирок этувчилар».
19.30 Эълонлар.
19.35 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.25 «Қуркам Сақура».
20.55 «Каталог».
21.05 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.35 «Компьютер ревю».
22.00 «Бу бустон аро...».
22.30 Эълонлар.
22.35 «Туризм ревю».
23.20 — 23.30 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 26

I
6.30 «Ассалом, Узбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Узбекистон!» (давоми).
*
8.30 «Юзма-юз». Мулоқот.
8.50 «Қловдан эҳтиёт бўл, болажон!»
9.10 «Мусиқа жавони». Тележурнал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 «Иқтисод ва масъулият». Изланишлар самараси.
11.05 «Истеъдодлар байрами». Иқтидорли ўқувчиларнинг V Республика слёти.
11.40 «Узбектелефильм» кўрсатади: «Тошкент». Манзарали фильм.
12.10 «Турон тулпорлари». Спорт дастури.
12.25 «Бола бошидан...». Мактабгача тарбия масалалари.
13.00 «Мулжал». Публицистик кўрсатув.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Фарзанд — умид юлдузи». Публицистик кўрсатув.
18.40 «Бозор ва мулкдор».
19.05 «Туркистон — умумий уйимиз».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Кеча ва бугун».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Баҳор наволари». Мусиқий дастур.
21.35 «Ишингиз бароридан келсин!».
22.25 Олтин мерос. «Санъатим — халқим учун». Халқ артисти Лутфихоним Саримсоқова.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.50 «Бешинчи рукн». Маърифий-ҳужжатли фильм.
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Эртаклар оламига саёҳат».
18.35 «Жума тақвими».
18.40 «Муаллиф».
18.50 «Юлдузлар».
19.20 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «RAKS» тақдим этади.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ривоят».
21.10 «Эртага шанба».
21.25 «Мафтункор чеҳралар».
21.50 «Таманно».
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40 — 23.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Тандир, арча, олов». Телефильм.

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
* * *
18.10 — 20.40
*
20.40 «Тропиканка сири». Телесериал.
21.30 Эълонлар.
22.30 Эълонлар.
22.35 — 00.05 «Қирдаги суворийлар». Бадиий фильм.

IV
10.00 «Азиз». Болалар учун фильм.
11.05 Эълонлар.
11.10 «Дўстлик сарҳад билмайди».
11.50 «Айчурек» (қиргиз тилида).
12.30 «Кашфиетлар ва ихтиролар».
13.05 — 13.45 «Ирэндек» (бошқирд тилида).
* * *
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Сиҳдонча». Болалар учун дастур.
19.00 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
19.20 Монитор-«Осиё».
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Телеташриф».
21.10 «Бугунги Европа».
21.30 «Олам ва одам».
22.05 Эълонлар.
22.10 «Британия кундалиги».
22.50 «Бу ажиб дунё».
23.10 — 23.20 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 27

I
6.30 «Ассалом, Узбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Узбекистон!» (давоми).
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Қўшиқ сўзчи шоирлар». Ҳайдар Муҳаммад.
9.15 «Оламни асранг!». Мусаффо ҳаво учун.
9.45 «Театр учрашувлари». А. Мажидий номидаги Қаттақўрғон театри ҳақида.
10.30 «Абадият қўшиғи». Публицистик кўрсатув.
11.20 Болалар учун. «Уйнаймиз-у ўйлаймиз». Телетанлов.
12.10 «Томошабин мактублари».
12.40 «Нури иймоним». Носир Алимахсумов куйлайди.
13.10 «Инсон ва замин». Тележурнал.
14.10 — 15.40 «Маънавият» видеоканали.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Еттига — етти». Телебеллашув.
18.45 Спорт хабарномаси.
18.55 «Эъзоз». Телесочерк».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Узбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Бу ажиб дунё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55

• Қадрият

Қурбон ҳайити:
МУРУВВАТ ВА АҲИЛЛИК БАЙРАМИ

— Ҳурматли редакция! Мана Қурбон ҳайити ҳам яқинлашиб келяпти. Ҳадемай уни нишонлаймиз. Биз совет даврида кўп нарсани унутиб юбордик. Мустақиллик туфайли қадриятларимиз қайтяпти. Шу сабабли Қурбон ҳайитининг асл моҳияти ҳақида маълумот берсангиз?

Р. Аҳмедов,
Тошкент вилояти.

— Улуғ байрам — Қурбон ҳайитини бутун дунё мусулмонлари қатори мустақил Ўзбекистон халқи ҳар йили муносиб қутиб олади. Муборак айёмларда бутун дунё мусулмонлари Ҳаж мавсумини, Каъбатуллоҳни тавоф зиёрати билан кенг нишонлайдилар. Шу жумладан, мамлакатимиз мусулмонларидан ҳажга бориб келишга қодир бўлганлари Байтуллоҳни тавофи зиёратига борадилар. Тавофлари мукаммал бажарилгандан сўнг ватанларига Ҳожи бўлиб қайтадилар.

Ўзбекистоннинг вилоят ва туманларидаги мусулмонлар Қурбон ҳайити кунларида кучлари етиб, қодирлари қўй, эчки ҳамда қорамол сўйиб, гўштининг бир қисмини ўзлари ва қавму-қариндошлари, қолган қисмини мискинларга улашадилар. Ёки таом пишириб, мискинларни меҳмон қиладилар. Бу анъаналар асрлар давомида халқимиз бажариб келаётган амаллардандир. Шундай қилиб, Қурбон ҳайити кунлари узаро дўстлик, меҳру оқибат, мурувват ҳамда аҳиллик кунларига айланиб кетган. Бу кунларда фарзандлар ота-оналарининг кўнгилларини оладилар, жомеъ масжидларимизда ийд намозини ўқиб келганларидан сўнг қариндош-уруғлар бир-бирларининг хонадонларига бориб зиёфат қиладилар, ҳол-аҳвол сўрайдилар. Қурбон ҳайити кунларининг фазилати ҳам шунда.



Мамлакатимизда икки ҳайит — Рамазон ва Қурбон ҳайитлари расмий байрамлар даражасига кўтарилди. Бу халқимизнинг қувончига қувонч қўшди.

Шунинг учун ҳам эндиликда бутун дунё мусулмонлари қатори халқимиз ҳам бу ҳайит кунларини шоду хуррамлик билан кутиб олмоқда.

Қурбон ҳайити келтирадиган мурувват ва аҳиллик эса мамлакатимизнинг иқтисодий ва маънавий жиҳатидан ўсиши ва равнақ топишининг гаровидир. Шунинг учун ҳам ҳайитлар гарчи мусулмонлар ҳайитлари деб шуҳрат топган бўлса ҳам, аслида шу мамлакатда яшовчи барча халқлар ва дин табақаларининг байрамига айланган. Барча мусулмон давлатларда шундай жорий қилинган бўлиб, бирон ғайридин бу кунларда ўзини четда қолган шахс деб ҳисобламайди.

Қурбон ҳайитининг асосий талабларидан бири шуки, бу улуғ кунларда бирон киши бировга озор бермаслиги, бировга тажовуз қилмаслиги керак, балки уни ҳурсанд қилиши ва унга керак бўлса ёрдам кўрсатиши лозим ва шарт.

Қурбон ҳайити кунларида бир бечора мискин-фақирнинг ҳолини сўраш ва унга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишнинг савоби бошқа вақтдагидан ўнлаб маротаба ортиқдир. Бу ҳақда Қуръони Каримда ва Ҳадиси Шарифда катта ваъдалар бор.

Қурбон ҳайити ва ҳаж маросимлари азалдан мусулмонларни эзгу ахлоқларга ундаб, тарбия қилувчи сифатида муҳим ўрин тутган.

Оллоҳга шукурким, республикамиз мустақилликка эришган вақтдан бошлаб минглаб мусулмонлар Маккаи Мукаррамага бориб, ҳаж қилиш шарафига эга бўлмоқдалар. Ҳар йил ҳажга борувчиларнинг сони кўпайиб бормоқда. Собиқ совет замонида бутун иттифоқ мусулмонларидан атиги 20-25 кишидан ортиги бора олмас эди. Оллоҳга минг шукурлар бўлсинки, улуғ жойга бориб зиёрат қилиб келиш учун республикамиз раҳбарлари, айниқса, Президентимиз Ислом Каримов жаноблари бу ҳақда шахсан ўзлари ғамхўрлик қилмоқда. Шунинг учун мусулмонлар Каъбаи Муаззама олдида Президентимиз ҳақларига дуолар қилмоқдалар ва мустақил мамлакатимизни ривожланиб, равнақ топишига Оллоҳ таолодан ёрдам ва тавфиқ иноятларини сўрамоқдалар.

Келаётган Қурбон ҳайитингиз муборак бўлсин, азиз ватандошлар!

Аваҳхон ҳожи ҲАЙДАР ўғли,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита мутахассиси.

• Самарқанд туманидаги ўт ўчириш қисми жамоаси яқинда яна бир қулайликка эга бўлди. Ўт ўчирувчилар учун бу ерда янги бино қурилиб ишга туширилди. Унда барча шароитлар муҳайё этилган. Жумладан бинода ўқув хонаси, алоқа маълумотларини қабул қилиш ва дам олиш хоналари ҳам мавжуд.

СУРАТЛАРДА: ўт ўчирувчилар қисми бошлиғи Шамсуддин Баратов Аслам Муродов бошлиқ ўт ўчириш бўлинмаси аъзолари Тоҳиржон Орипов, Ҳамза Жумаев, Хуршид Раҳмонов, Ҳудойберди Султонов ва Азиз Жумаев билан келгусида қилинадиган ишлар хусусида суҳбатлашмоқда; янги бинонинг умумий кўриниши.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

ДИВИДЕНД НИМА?

—Ҳурматли редакция! Кейинги пайтда матбуотда, радио, телевидениеда ҳиссадорлар юз, икки юз, ҳатто ундан ҳам ошириб дивиденд олишяпти, деган сўзларни эшитиб, ўқияпмиз. Дивиденд дегани нима ўзи? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Б. АВАЗОВА,
Тошкент шаҳри.

—Дарҳақиқат, сўнгги йилларда ҳаётимизга жуда кўп иқтисодий терминлар кириб келди. Шулардан бири дивиденддир. Дивиденд бирор турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш, уни истеъмолчиларга етказиб бериш, қазилма бойликларини қазиб олиш, хизмат кўрсатиш ва бошқа турдаги тадбирлардан олинган фойданинг ҳиссадорларга ажратилишидир.

Маълумки, ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида харидорбоп, арзон, пишиқ, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш талаб этилади. Ана шу йўл билангина жаҳон бозорига чиқиш мумкин. Лекин бунинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун корхоналарни реконструкция қилиш, ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш, юқори малакали мутахассислар тайёрлашга эришиш лозим. Ана шу тадбирларни амалга ошириш катта маблағларни талаб қилади.

Бу борада аҳолининг қўлидаги бўш маблағлардан фойдаланиш катта ёрдам бериши мумкин. Шу мақсадда корхоналар, бирлашмалар ҳозир ҳиссадорлик жамиятларига айлантириляпти. Жамиятлар акцияларини сотиб олган одамлар акциядорлар ёки ҳиссадорлар деб аталади. Сотилган акциялардан тушган маблағлар ҳисобига ишлаб чиқариш ривожлантирилади.

Бундай шароитда ҳар бир акциядор ўз маблағининг самара бериши учун курашади. Иқтисод, тежамкорлик кучаяди. Меҳнат унумдорлиги ортади. Натижада маҳсулот ҳажми кўпайиб, таннархи арзонлашади,сифати ортади. Демак, фойда қанча кўп бўлса, акциядорларнинг оладиган дивидендлари ҳам юқори бўлади. Ҳозир айрим корхоналарда минг сўмлик акцияга йилига икки, уч минг сўм дивиденд тўланаётгани ҳақида жуда кўп мисоллар бор.

• Илоҳий мўъжизалар

ЮРАККА ЧЕКИЛГАН ИМЗО

Дунёнинг энг машҳур санъат асарларига боқинг. Уларнинг ҳаммасида санъаткор ва муаллифларнинг имзосини кўрасиз. Яъни, ҳар қандай санъаткор ўз асарига ўзининг муаллифлик ҳаққи сифатида ўз имзосини қўяди. Инсон ҳам энг муҳташам санъат асаридир. У ҳам ўзини мутлақо яратган Буюк Ҳолиқнинг имзосини кўтариб юрган бўлиши керак.

Ҳа, бу имзо қўйилгандир ва инсон зоти уни юрагининг энг қимматли жойида сақламоқда.

Зобита атласини варақлар эканман, бир расмга кўзим тушди ва этларим жимирлаб кетди. Чунки у расмдаги юракнинг энг нодир жойида Раббимизнинг исми ёзилган эди. Менга шундай туюлгандир дея расмга янада диққат билан қарадим. Ёзув худди уста бир хаттот қўлидан ўтгандай ниҳоятда ҳассослик билан ёзилган эди.

Яна адашаётган бўлмайин дея дарров хонанинг деворида осиғлиқ турган лаган ичидаги «Аллоҳ» лафзига қарадим ва расмдаги ёзув билан солиштирдим. Бу асло тасодиф эмас эди. Чунки юрақдаги «Аллоҳ» лафзининг на бир ҳарфи, на бир нуқтасида хато бор эди.

Ҳа, йиллар бўйи қидирганим ва мутлақо борлигига ишонганим у муҳташам имзони ғарбликлар томонидан тайёрланган бир атласда ниҳоятда аниқ бир шаклда топдим. Атласни қўлимдан қўймай, ҳаёлимдан ўтган саволларга жавоб қидирардим.

Бу имзо тасодифий бўлиши мумкинми? Яъни, фақаттина шу расмда акс этиб қолган бўлиши мумкинми? Менга тинчлик бермаган бу саволларга жавобни тиббий ёришлар ёрдамида топишим мумкин ва инсон юрагини ўз кўзим билан кўриб, ишонч ҳосил қилишим керак эди.

Дарҳақиқат, мен бажарган тиббий ёришларнинг натижаси шуни кўрсатдики, ҳар бир юракда бу имзо бор эди... Балки бу гапларимга лаб бурадиган ҳам топилиб қолар. Начора, Илоҳий Имзо бутун инсонларга хос бир тамғадир ва бу ҳақиқатни инкор қилувчиларнинг ўзларида ҳам бу муҳр бордир. Бунинг устига, юракнинг имзо чекилган ўрни ниҳоятда қизиқ ва диққатни жалб қилувчи қисмдир. Чунки юрак тўқимаси мускул толаларининг тўр каби ўрилишидан юзага келгани ҳолда имзо чекилган қисм бутун мускул тўқималаридан қолгандир ва бу қисм худди у муҳташам имзонинг аниқ кўриниши учун атайин шундай яратилгандай эди.

Қисқаси, юрак ҳар томонлама муҳташамдир ва илоҳий имзонинг бу хазина устига чекилгани тасодиф эмас. Бу имзони «Аллоҳ» ёзувини ва инсоннинг қайси қудратдан ҳаёт топганини кўрсатмоқда.

Ҳа, юрак ҳар урганда «Аллоҳ» дейди ва Яратувчининг исмини бир дарвеш каби такрорлаб, коинотга жар солади.

АСАЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Ниҳоят, мана ўша мўъжиза ҳар бир инсон юрагига ва ҳатто асалари уясига қўйилган муҳташам Имзо!

Энг моҳир хаттотларни-да ажаблантирадиган даражада аниқ ва кўз қамаштирадаган даражада гўзалдир. 1984 йили май ойида намойиш этилган бу Илоҳий Имзони ўн минглаб томошабин ўз кўзи билан кўрди.

1982 йилнинг августи. Туркиянинг Қайсари вилояти Қорақўй қишлоғида бир муъжиза юз берди. Бу муъжиза яна ўша-барчамизнинг қалбимизга чекилган илоҳий имзонинг асалари мум катакларидаги тасвири эди.

Асалари асалини катакларга қабартириб шундай маҳорат ила жойлаганки, натижада «Аллоҳ» ёзуви пайдо бўлган!

Асаларичи муъжизадан бехабар, бироқ қутидаги ариларда қандайдир бир ўзгариш пайдо бўлганини сезган эди. Нега деганда, арилар одатдагидан бошқача шаштда ҳаракат қилаётган ва асаларичининг ўзларига яқинлашишини истамаётган эдилар.

— Қутига яқин борганимда, — дейди асаларичи, — ариларда қандайдир бир ноғоланиш бор эди. Қайта-қайта тутун берганимдан кейингина улар уяларини зўрга тарк этдилар.

Ҳа, ариларда бу ўзгариш бежиз эмасди. Чунки улар «Наҳл» сурасида айтилганидек, Раббиларини тасдиқ этиш учун у буюк қудрат кўрсатган йўлдан юриб, илоҳий имзонинг бир шаклини ёзган эдилар.Балки худди шунинг учун ҳам уяларини тарк этишни истамагандир.

Ҳа, қорақўйликлар бу мўъжизага маҳлиё бўлиб қолдилар. Бироқ асаларичидан: «Уядаги ёзувни ўзингиз ёздингизми?» деб сўрагувчилар ҳам топилди.

Бунинг жавоби эса Қуръони Каримда бериб қўйилган: *«(Эй Муҳаммад), Парвардигорингиз асаларига ваҳий-амр қилди: «Тоғларга, дарахтларга ва (одамлар) қурадиган инларга уя солгин. Сўнгра турли меваларни еб, Парвардигоринг (сен учун) осон-қўлай қилиб қўйган йўлларидан юргин!» Унинг қорнидан одамлар учун шифо бўлган алвон рангли ичимлик — асал чиқур. Албатта, бу ишда- тафаккур қиладиган қавм учун оят-ибрат бордир»* («Наҳл» сураси, 68-69-оятлар).

Улуғ Раббимиз каломи бўлмиш Қуръони Каримнинг 128- оятдан иборат бир сурасининг ари номи билан аталиши (наҳл-асалари) бу муъжизанинг исботига етарли эмасми? Асаларининг ўзи ҳам бир муъжиза эканини англамоғимиз учун унинг қанотлари, уяси ёки асалига Аллоҳ лафзини ёзиши шарт эдими?

• Оғир атлетика

ЯНГИ РЕКОРД ЎРНАТДИ

Японияда оғир атлетика бўйича бўлиб ўтган Осиё чемпионатида ўзбекистонлик штангачи Григорий Лейбман янги рекорд ўрнатди. У 108 килограммлик вазнда куч синашиб, бир зарб билан 195 килограммлик штангани кўтарди.

Икки қурашнинг бу турида яна иккита ҳамюртимиз — Александр Уринов ва Бахтиёр Нуруллаев ҳам ўз вазнлари (99 ва 76 кг) бўйича кумуш медални қўлга киритишди.

Икки қурашда штанга кўтариш бўйича Нодир Сулаймонов (70кг), Бахтиёр Нуруллаев ва Григорий Лейбман голиблар сафидан ўрин олиб, бронза медали билан мукофотланишди. Узбекистон спорт жамоасининг яна бир вакили Игор Халилов ҳам 108 килограммдан ошиқ вазнда қатнашиб, бир зарб билан ҳамда силтаб кўтариш бўйича учинчи натижа кўрсатди ва иккита бронза медалини қўлга киритди.

Рига шаҳар судида Латвияда катта шов-шувга сабаб бўлган жиноий иш юзасидан суд жараёни бошланди. Жиноят оламида «рекэтчилар қироли» номини олган Иван Харитонов бошчилигидаги товламачилар гуруҳига мамлакат жиноий кодексининг беш банди бўйича айблов қўйилмоқда.

Харитонов нефть савдоси билан шуғулланадиган бир неча фирманинг ҳамраиси ҳисобланган ва унинг бевосита раҳнамолиги остида бир неча жиноят содир этилган. Икки йилдирки, Харитонов иши юзасидан суриштирув ишлари олиб борилди. Бу вақт ичида эса асосий гувоҳларнинг баъзилари дараксиз йўқолди, бир нечтаси эса сирли равишда ҳалок бўлди.

* * *

Малайзиянинг Сабоҳ штатида ўт очувчи қуроллар билан савдо қилувчи йирик гуруҳнинг саккиз нафар аъзоси қўлга олинди. Уларнинг орасида икки нафар полициячи ҳам бор. Бу тадбир Бош вазир Маҳатхир Муҳаммаднинг мамлакат бўйича ўт очувчи қуроллар сотишга рухсат беришни тўхтатиш ва бу ҳуқуққа эга ташкилотлар фаолиятини текшириб чиқиш ҳақидаги махсус фармонидан кейин амалга оширилди.

* * *

АҚШнинг Арканзас штатида рўй берган кучли қуюн оқибатида етти киши ҳалок бўлди ва 30 дан ортиғи қаттиқ жароҳатланди. Қуюн дарахтларни илдизи билан қўпориб ташлади, уйларнинг томини учириб кетди ва электр тармоғи тизимларини ишдан чиқарди.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, мазкур штатнинг биргина Изэрд округида кўрилган зарар 5 миллион долларни ташкил қилади. Мутахассисларнинг фикрича, кучли қуюн Арканзас штати осмонидаги совуқ ҳаво оқими туфайли содир бўлган.

• ДАН ҳаётидан

ТАШМАЧИЛАРНИНГ ЙЎЛИ ТЎСИЛДИ

Навоий вилояти Давлат автомобиль назорати (ДАН) ходимлари ўз фаолиятларини ҳар томонлама ижобий ташкил этишга бутун куч-ғайратларини сарфлаяптилар. Биргина ўтган йил давомида уларнинг тезкор ва маҳорат билан ишлашлари натижасида 83 мингга яқин қоидабузарликлар аниқланди. 43 та гиёҳванд модда сақлаш, 12 та безорилик, 11 та ноқонуний қурол олиб юриш, 39 та давлат мулкини ўмариш, ва 19 та транспорт воситаларини ўғирлаш каби жиноятлар фош этилди.



ДАН ходимларининг вилоят миқёсида ўтказилаётган турли тадбирлари натижасида қоидабузарликлар кескин камаймоқда. ДАН постларини транспорт серқатнов бўлган йўллар ёқасида ташкил этишга алоҳида эътибор бериляпти. Улар ҳозирги замон техникаси ва янги транспорт воситалари билан тўла таъминланаяпти.

Зарафшон шаҳар Ички ишлар бўлимининг ДАН бўлинмаси ходимлари ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Уларнинг божхона хизмати ходимлари билан олиб борган ҳамкорлиги натижасида 1500 дона қорамол териси ва катта миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотларининг республикамиздан ташқарига олиб чиқиб кетилишининг олди олинди.

СУРАТЛАРДА: Зарафшон шаҳар Ички ишлар бўлими ДАН бўлинмасининг иш фаолиятидан лавҳалар.

Т. НОРҚУЛОВ олган суратлар.

НЕОПОЛИТАНЛИКЛАР ДИЕГО МАРАДОННАДАН ХУРСАНД

Бундан бир неча йил муқаддам истеъдодли Диего Марадонна Неаполдан жўнаб кетганида кўплаб ишқибозлар кўз ёшларини яширолмаган эдилар. Чунки улар ўзларининг севимли спортчиларидан айрилган эдилар-да! Кейинчалик улар машҳур футболчи шарафига шаҳар туманларидаги ижтимоий марказлардан бирини Марадонна номи билан аташди. Бир оздан сўнг унинг номи билан ассоциация ташкил этилди.

Аммо марказ ҳам, ассоциация ҳам тарих, холос. Ҳақиқий ишқибоз эса, келажак билан, орзу-умид билан яшайди. Мана яқинда Неаполитанликлар орзуси ушалишидан дарак берувчи умид чироғи ёнди. Кичик Марадонна ўсиб улғайган сари ишқибозларнинг унга бўлган ишончи мустаҳкамланиб бормоқда.

Маълум бўлишича, катта Марадонна Неаполда тўп сурган пайтида шу ерли гўзал аёл Кристина Синагра билан яшаган. Кейинчалик Кристина ўғил кўради. Ҳозир бола 9 ёшда. Уч ёшдан бери бир йўла икки тренер раҳбарлигида футбол ўйнайди. Ёш Диего «Неапол» футбол клуби майкасини кийиб, Италиядаги ёш футболчилар мусобақасида иштирок этяпти.

«Атланта» клубининг собиқ ўйинчиси, ҳозирда ёш Диегонинг тренери Стефано Серранинг айтишича, бола чемпионга хос бўлган барча фазилатларга эга. Футбол техникаси нуқтаи назаридан қараганда, у ўз тенгдошларидан ҳар томонлама устундир.

Афсуски, ёш Диего отасининг ҳар томонлама бекаму кўст қўллаб-қувватлашига умид қилолмайди. Сабаби, отаси уни узоқ вақтача тан олмаган. Неапол шаҳри суди Марадонна боланинг отаси эканлигини исботлагандан сўнг у ойига 5 миллион Италия лираси (3 мингдан кўпроқ АҚШ доллари) тўлаб туришига рози бўлди.

Келгусида неаполитанликлар ёш Марадонна сиймосида отасидек машҳур футболчини кўрадиларми, йўқми, уни вақт кўрсатади. Унинг ҳали кучга тўлиб, ўзини кўрсатиши учун камида 7 йил керак. Ҳозирча у майдон узра чарчаш нималигини билмай маҳоратини оширмоқда.

Марадонна мадрини, ёш иқтидорлигига

Суратда: ёш, иқтидорли футболчи Диего Марадонна.

АССАЛОМ, ФУТБОЛ МАВСУМИ!

Бугун мамлакатимизнинг етти шаҳрида футбол бўйича Узбекистоннинг V миллий чемпионати байроқлари кўтарилиб, юртимиз мадҳияси янграйди. Бу йилги чемпионат ҳар йилгига нисбатан қизиқарли курашларга бой бўлиши кутиляпти. Чунки мавсум арафасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Узбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорнинг қабул қилиниши ва футболимизнинг профессионал тизимга ўтказилиши спортчилару мураббийларнинг, қоларверса, юз минглаб мухлисларнинг чемпионат ўйинларига бўлган қизиқишини янада орттириб юборди.

Учрашувларга қанчалик кўп томошабин тушса, майдонда кураш шунчалик кескинлашуви табиий бир ҳолдир. Бу ўз навбатида ўйинлар савиясининг ошишига олиб келади. Демак, футбол баҳорини орзиқиб кутган футболсеварларга эслатиб ўтамиз.

Бугун Узбекистоннинг тўрт карра чемпиони «Нефтчи» Марғилонда «Атласчи» жамоасига қарши майдонга чиқса, ўтган йилги чемпионатнинг кумуш медали соҳиби МҲСК жамоаси Урганчда «Динамо»нинг меҳмони бўлади. Бухорода «Нурафшон» ва «Машъал», Тошкентда «Пахтакор» ва «Динамо» (Самарқанд), Термизда АСК ва «Суғдиёна», Наманганда «Навбаҳор» ва «Трактор» жамоалари ўзаро куч синашади. Олий лиганинг яқин вакили «Косонсой» клуби эса ўз майдонида Андижоннинг «Навруз» жамоасини қабул қилади. Биринчи турнинг сўнгги учрашуви эртага Тошкент вилоятида ўтказилади. «Янгиер» жамоаси «Дўстлик» клубининг меҳмони бўлади.

Расул ЖУМАЕВ,
«Адолат»нинг спорт шарҳловчиси.

ҚУЧИЛАЯПМИЗ

Куни кеча Манфаат Жамолиддинованинг 50 ёшлик тўйига таклифнома олдик. Уни ўқидигу ҳайрон қолдик. Наҳотки биз билган Манфаатхон ярим асрни уриб қўйган бўлса!..

Манфаатхонни кўп йиллардан бери биламиз. Илгари шунчалик салом-алик қилиб юрган бўлсак, кейинчалик «Қишлоқ ҳақиқати» (ҳозирги «Қишлоқ ҳаёти») газетасида ходимларимизнинг бир нечтаси билан ишлашга тўғри келган. Ўша пайтда Манфаатхон ўзининг анчагина фазилатларини намоён этди.

У аввало масъулиятни чуқур ҳис қиладиган билимли, салоҳиятли, дилбар аёл. Бажарилиши лозим бўлган ишни адо этиб хотиржам бўлмагунича тиниб тинчимайди. Доимо саранжомсаришталиги, ҳушчақчақлиги, меҳрибонлигига тан йўқ. Шу билан бирга Манфаатхон яхши ижодкор.

Биз, ҳамкасблари Манфаатхонни қутлуғ байрамлари билан муборакбод, этамиз. Сўзимизни мухтасар қилиб таваллуд тонган кунлари:

Қирчиллама ёшдир бу,
Юзга бир давон.
Умрингиз, ижодингиз,
Этсин кўп давом,

деймиз.

«Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Узбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши шаҳардаги барча партия аъзоларини Тошкент шаҳар Кенгаши ташкил топганига бир йил тўлиши муносабати билан кизгин қутлайди.

Барча эзгу ишларида муваффақиятлар тилайди.

Тошкент шаҳар партия Кенгаши.

• ЭЪЛОН!

Шу йилнинг 7 сентябрь куни Андижон тиббиет институтини 1966 йили тугаллаган ёшларнинг учинчи йиллик учрашуви бўлиб ўтади.

Учрашувда қатнашиш истагида юрганларни институтнинг касаба уюшмаси қўмитасига мурожаат этишларини ёки 5-38-12, 5-97-43, 5-76-12 рақамлари орқали телефон қилишларини сўраймиз.

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Адолат» газетаси жамоаси газета ходими Наргиза Ҳайдарованга бувиси

АДОЛАТ аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Дўстлик туманидаги «Дўстлик» агрофирмаси жамоаси агрофирманинг бош директори Толиб Одиловга падари бузруквори

Одил ота
АБДУОЛИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Адолат
Adolat
عدل
justice
Муассис: Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир:
Тўхтамурод ТОШЕВ.

Қабулхона телефони: 33-41-89

Таҳрир ҳайъати: Турғунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ, Улуғбек ДОНИЁРОВ, Анвар ЖЎРАБОЕВ, Нажмиддин КОМИЛОВ, Акмал ҚОСИМОВ, Мукимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Тўхтамурод ЖЎРАЕВ, Абдурафиқ АҲАДОВ, Чоржау АБДИРОВ, Алижон ЮСУПОВ, Баҳодир УМИРЗОҚОВ, Жўра ЙЎЛДОШЕВ, Каримжон РИҲСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Мукаррамхон АЗИМОВА, Турғунбой МАДИЁРОВ, Рустам АҲМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шуҳратжон АЛИМАТОВ.

Навбатчи муҳаррир —Оқил АБДУАЗИМОВ. Навбатчи — Саъдиддин САЙДИСОЛОМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Газета офсет усулида, А-2 форматда чоп этилди. Буюртма Г— 0226. 7194 нусхада.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП Матбуотчилар кўчаси-19.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

123456